Шу азиз Ватан — барчамизникидир!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 26 март 1996 йил, сешанба • № 24 (271)

Эртага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вьетнам Социалистик Республикасига расмий ташрифи бошланади.

Наврўз халқимизнинг асл миллий байрамидир. У биз кимларнинг авлоди эканимизни, қандай улуғ ва бой мерос ворислари эканимизни, қандай беқиёс салоҳият соҳиблари эканимизни жумлаи жаҳонга яққол намоён қиладиган маънавий бир кўзгудир.

Ислом КАРИМОВ.

Мустақил Узбекистон диёрида яшариш ва яшнаш, меҳнат ва ижод, гўзаллик ва шодлик байрами Наврўз кезмоқда. Ҳар тарафда Баҳор таровати, Наврўз нафаси. Элимизда Наврўз инъом этган хуш кайфият.

Янги йилнинг илк куни пойтахтимиз Тошкентда бошланган Наврўз тантаналари бутун улкамиз бўйлаб давом этмоқда. Чаппар уриб гуллаган бодомзорлардан, ариқлар бўйида ниш урган ялпизлардан Наврўз ҳиди таралмоқда.

Баҳор нашъасидан, Наврўз нашидасидан қалблар жунбушга келмоқда. Далалар уйғонди, қурт-қумурсқалар ғимирлаб қолди. Деҳқон даласига отланди. Қаламинг қутлуг келсин Наврўз!

Ёғиб майин абри найсон,
Она ерга бахш этди жон.
Яшнаб бирдек еру осмон
Наврўз келди, Наврўз келди!
Тун кўзидан уйқу қочар,
Ҳамал ойи юзин очар,
«Деҳқон бобо дона сочар,»
Наврўз келди, Наврўз келди!

Юртбошимиз Ислом Каримов Наврўз табрикида таъкидлаганларидек, «Илоё бугунги наврузий кайфиятингиз йил бўйи давом этсин!»

Суратларда: Наврўз тантаналаридан лавҳалар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Одамларнинг фаровонлигини ошириш, аҳолини ишончли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш масалалари давлатимиз боғлиги ва ҳукуматнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Узбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори бунинг далилидир.

Президент Фармони билан 1996 йил 1 апрелдан боғлаб энг кам иш ҳақи миқдори 250 сўмдан 400 сўмгача оширилмоқда, бунда бюджет муассасалари ва ташкилотларининг ходимлари иш ҳақини ўртача 1,4 баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг ўртача миқдори 1,4 баравар оширилмоқда.

Агар бугунги кунда меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори 645 сўмни ташкил этса, 1 апрелдан боғлаб у 900 сўмга етади, яъни 255 сўм қўшилади. Худди шунингдек — болаликдан ногиронларга бериладиган нафақалар 900 сўмгача оширилади. Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 400 сўмдан 550 сўмгача кўпаяди. Олий ўқув юртлари талабалари стипендиялари ўртача 560 сўмдан 790 сўмгача, техникумлар ва коллежларнинг ўқувчилари стипендиялари эса 530 сўмдан 750 сўмгача ошади.

Усиб келаётган авлодни тарбиялаш билан боғлиқ тўловлар миқдори ошмоқда. Масалан, бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафақалар 250 сўмга ошади ва 600 сўмни ташкил этади, 16 ёшгача бўлган боласи бор оилаларга бериладиган нафақалар миқдори 2,2 баравар ошади ва 400 сўмни ташкил этади.

Иш ҳақи ошиши билан бир вақтда фуқароларнинг солиқ солинмайдиган даромади миқдори ҳам ойига 400 сўмдан 550 сўмга ошишини таъкидлаш муҳимдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида кўрсатиб ўтилган чораларни рўёбга чиқариш учун анча пул маблағлари талаб этилади, бу республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Айни вақтда шуни таъкидлаш зарурки, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида ҳар бир ходим ва унинг оиласининг фаровонлиги биринчи навбатда уларнинг меҳнат фаоллиги, ўз малакаси ва касб тайёргарлигини оширишга, меҳнат фаолиятининг янги, янада мураккаб участкаларини ўзлаштиришга интилиши билан белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг 22 разрядга асосланган янги ягона тариф сеткаси иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришга, юқори унумли малакали меҳнатга ундашга йўналтирилгандир. Ягона тариф сеткаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1996 йил 1 апрелдан боғлаб амалга киритилади.

Ягона тариф сеткаси меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ҳисобига ходимнинг ўз малакасини оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришни назарда тутади. Янги тариф сеткасида мувофиқ тариф ставкаси сезиларли даражада ошади, турдош разрядлар ўртасидаги фарқ эса 2-2,5 баравар кўпаяди.

Масалан, олий тоифали врачнинг тариф ставкаси тоифаси бўлмаган врачнинг тариф ставкасидан 104 сўм ортиқ эди. Янги шартларга кўра уларнинг тариф ставкаларидаги фарқ 263 сўмни ташкил этади, тоифаси бўлмаган врач тариф ставкасининг ўзи 744 сўмдан 1094 сўмгача, ёки 350 сўм ошади, олий тоифали врачнинг тариф ставкаси эса 848 сўмдан 1356 сўмгача ёки 508 сўмга ошади.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги тариф сеткасида боғланган разряд ставкаси 400 сўмдан 550 сўмгача ошишини ҳисобга олган ҳолда барча ходимларнинг иш ҳақи сезиларли даражада ошади.

Масалан, 28 разряддан иборат бўлган амалдаги ягона тариф сеткасида 1-тоифали ўқитувчининг тариф ставкаси 11-разрядга тўғри келар ва 888 сўмни ташкил этар эди. 22 разрядли ягона тариф сеткасида бу ўқитувчининг ставкаси ғарчи тўққизинчи разрядга тўғри келса ҳам, 468 сўмга кўпаяди ва 1356 сўмни ташкил этади.

Энг кам иш ҳақи кўпайиши муносабати билан илгари белгиланган барча қўшимча ҳақ ва устамалар ҳам ошади. Масалан, ушта ўқитувчи дафтар текширганлик, синф раҳбарлиги, ўқув хонасига мудирлик қилганлик учун оладиган қўшимча ҳақ миқдори ҳаммаси бўлиб 220 сўмга кўпаяди. Шундай қилиб, ушбу ўқитувчининг иш ҳақи қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда 1576 сўмни ташкил этади.

Турлича малакага эга бўлган ишчиларнинг тариф ставкалари ўртасидаги фарқ сезиларли равишда ошди. Масалан, саккизинчи разрядли юқори малакали ишчи билан биринчи разрядли ишчининг тариф ставкаси ўртасидаги фарқ 172 сўмни ташкил этар эди. Эндиликда у 510 сўмгача кўпаяди ёки деярли 3 баравар ошади. Бу ўз навбатида ишчиларни ўз малакасини оширишга ва мураккаброқ меҳнатни эгаллашга интилишини рағбатлантиради.

Бюджет ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланган янги тариф сеткаси мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларда ҳам жорий этиш учун тавсия этилади.

Етти иқлим нафаси

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Татаристон Республикасида президент сайловлари бўлиб ўтди. Шу йил февраль ойида президентликка компартиядан номзод сайловлардан четлаштирилгандан кейин ҳозирги президент М.Шаймиев ягона номзод бўлиб қолганди. Би-би-си мухбирларининг таъкидлашича, М.Шаймиев раҳбарлиги остида Татаристон Россия Федерацияси билан ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга эришган. Икки йил илгари имзоланган битимга мувофиқ республикага ўз табиий бойликлари устидан назорат қилиш ҳуқуқи берилган ва бунга мавжуд нефть заҳиралари ҳам киради. Буларнинг ҳаммаси президент М.Шаймиев янги муддатга ўз ваколатларини сақлаб қолишини таъминлайди, деб ҳисоблайди шарҳловчилар.

***

Россия қўшинлари Чеченистон пойтахтидаги асосий бинолар атрофида оғир қуролларни жойлаштира бошлаганлар. Уларнинг таъкидлашича, шаҳарга жангарилар ҳужумининг такрорланиш хавфи шундай чораларни кўришга ундамоқда.

***

Интерфакс хабарига кўра, Россия қўшинлари авиация ва артиллерия кучлари билан эски Ачхойда чечен жангарилари позицияларига ўт очганлар. Бир қанча қўрғон ва қишлоқлар, аҳоли пунктлари қуршаб олинган. 1994 йил декабрида бошланган чечен уруши давомида 30 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган. Уларнинг кўпчилигини тинч аҳоли ташкил этади.

***

Якшанба куни Минскда таркибига Россия ва Белорус мамлакатлари кирувчи иттифоқ давлатини тузиш бўйича режалаштирилган шартноманинг имзоланишига қарши кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Намойиш иштирокчилари «Яшасин Белорус!» дея ҳайқиришарди. Улар Минскнинг бош проспектида тўпланиб, таклиф этилаётган шартнома бўйича ўз норозиликларини баён этишди.

Бир кун олдин Белорус Президенти А.Лукашенко Москвада таркибига Белорус ва Россия кирувчи иттифоқ давлатини тузиш бўйича шартномани имзолаш таклифини эълон қилганди. Унинг мазмуни ҳақида батафсил маълумотлар йўқ. Бироқ, А.Лукашенко маълум қилишича, янги иттифоқ давлатида ҳар икки мамлакат раҳбарлари кирувчи иттифоқ олий кенгаши фаолият олиб боради.Немис радиосининг таъкидлашича, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира олмай, молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган Белорус раҳбари яна Россия билан алоқаларни мустаҳкамлашга уринмоқда.

Россия Президенти Б.Ельцин шу йил 2 апрелда имзоланадиган шартнома янги давлат тузилганини эълон қилади деб айтган.

ХОРИЖДА

АҚШда президент сайловлари олдидан турли сиёсий кучлар ўртасидаги кураш тобора кескин тус олиб бормоқда. Эллинойс, Огайо ва Мичиганда дастлабки сайловларда муваффақиятга эришган Боб Доул одатдаги эҳтиёткорликни йиғиштириб қўйиб, ўз тарафдорларига «энди президентликка номзод қилиб кўрсатиламан деб дангал айтсам бўлади, деб ўйлайман» деган. Индустрия марказларида ягона рақибидан уч баробар кўп овоз олиб, Б.Доул уни том маънода яксон қилди. Калифорниядаги машҳур Сан-Квинтен турмасига борган сенатор Боб Доул президент Б.Клинтонни жиноятчиларга нисбатан етарли даражада қатъийлик кўрсатмаётганликда айблаб танқид қилди.

***

Якшанба куни, президентлик сайловларида катта ғалабани қўлга киритган Тайван Президенти Ли-ден Хуэй журналистларни қабул қилиб, орол бундан буён ҳам халқаро майдонда ўз статусини ошириб бориш сиёсатига амал қилаверади, деб айтди. Эндиликда Хитой ва Тайван икки томонлама алоқаларни яхшилаш мақсадида музокаралар олиб боришга тайёрликларини изҳор этмоқдалар. Тайван бош вазирининг 6 кунлик ташриф билан Хитойга келганлиги, унга 120 кишилик расмий вакиллар ва ишбилармонлардан иборат катта гуруҳ ҳамроҳлик қилаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

БМТ бош котиби Бутрос Ғолий ХХР ва Тайван ўртасидаги ҳозирги можарони Хитойнинг ички иши деб таърифлади. Беш кунлик ташриф билан Пекинга келган Бутрос Ғолий сафарининг асосий мақсади ХХР билан БМТ ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашдан иборат эканлигини таъкидлади.

***

Исроил бош вазири Шимон Перес Ғарбий соҳил ва Ғазо ҳудудидан Исроилга киришни ман этувчи қарорни бекор қилишга чақирувчи даъватларни рад этди. Якшанба куни вазирлар маҳкамаси йиғилишида у террорчилик ҳаракати хавфи мавжуд экан, ушбу ҳудудлар блокадаси давом этаверади деди.

Миср ташқи ишлар вазири Амир Муса Фаластинга нисбатан кўрилаётган чорани бекор қилишни талаб этди. Яқинда бўлиб ўтган халқаро саммитда Исроил тинч аҳолисини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланди, деди у ўз баёнотида, лекин бу Исроилга бутун Фаластин халқини жазолаш ҳуқуқини бермайди.

***

Американинг «Атлантис» фазовий кемаси Россиянинг «Мир» орбитал станцияси билан туташди. «Атлантис» орбитал станцияга илмий ускуналар, ёқилғи ва озиқ-овқатлар олиб келган. Беш кун давомида Америка ва Россия фазогирлари биргаликда қатор тажрибалар ўтказишади. 27 март куни Америка астранавтлари очиқ фазога чиқишни мўлжалламоқдалар. Шундан икки кундан сўнг «Атлантис» «Мир»дан ажралиб чиқади. Унинг Ерга қайтиши 31 мартга белгиланган.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимлари ўтган ҳафтада 18 та ким ошди савдоси ва танловлар ўтказди. Тадбиркорлар ва ишбилармонларга савдо расталари, дуконлар, ёқилғи-мой қуйиш шаҳобчалари, ер майдонлари ҳамда турли русумдаги автомашиналар таклиф этилди. Савдо мобайнида 354 та иншоотлар сотилди. Булар орасида дуконлар ва уй-жойлар қуриш учун 251 та ер майдони, 57 та турли русумдаги автомашиналар, 2 та ёқилғи-мой қуйиш, 3 та маиший ва техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари янги мулкдорлар қўлига ўтди. Айниқса, Фарғона, Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида ер майдонларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Сотилган ер майдонлари 5 млн. 712 минг сўмни, ўтган ҳафта давомида сотилган жами иншоотлар 36 млн. 773 минг сўмни ташкил этди. Шу жумладан, Сурхондарё вилоятида катта магазин «ЦУМ» 15 млн. 440 минг сўмга сотилди. Биржа савдосида мулкдорлар табақаси фаол қатнашмоқдалар.

***

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 25 та ҳиссадор жамоа қатнашди. Улар ўзларининг 57429 та акция қоғозларини сотиб, 4103.540 сўмлик маблағга эга бўлдилар. Бу жараён халқимиз орасида қимматбаҳо қоғозларга қизиқиш ортиб бораётганлигини кўрсатади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ-ЎзА МУХБИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВДАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖИ БИЛАН БОҒЛИҚ БИР НЕЧА САВОЛГА ЖАВОБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ.

САВОЛ: Кейинги пайтларда айрим мамлакатлар матбуот саҳифалари ва телевидениесида собиқ СССР ҳудудидаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатлараро шартномалар имзоланишга тайёрланаётгани ҳақида турли-туман фикрлар тез-тез такрорланиб турибди. Сизнинг бу хусусдаги фикрингизни билишни истар эдик.

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги давлатларнинг интеграцияси тўғрисида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз умрини яшаб бўлди, эҳди интеграциянинг янги моделини яратиш лозим, деган мазмунда жуда кўп гапириляпти. Айрим кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ бу мўлжалланаётган бирлашма ва давлатлараро ташкилотнинг номларини ҳам топиб қўйган.

Бу гапларни Беларусь Президенти ўртоқ А. Г. Лукашенконинг чиқишлари, нутқларидан эшитганда, агар биз барчамиз шошилинч равишда интеграция билан шуғулланмасак, дарҳол Россия атрофида бирлашмасак, ҳолимиз вой бўлади, келажагимиз, мамлакатимизнинг тараққиёти барбод бўлади, деган таассурот тугилади. Ҳеч ким, бирор давлат мустақил равишда яшаб қололмайди, ўз муаммоларини ҳал этолмайди, бўҳрондан чиқолмайди, деган баёнотларни доимо эшитиб турамиз. Гўё Европа ва бошқа жойларда биз ҳеч кимга керак эмасмиз, нажот фақат тезроқ бирлашишда ёки бугунги кун тили билан айтадиган бўлсак, интеграцияда эмиш. Дастлаб давлатлараро иқтисодий ва гуманитар асосда чуқур интеграцияга эришсак, кейинчалик... қандайдир «конфедерациями, федерация иттифоқи деган, собиқ СССРдан ҳам мустаҳкамроқ бирор уюшма»га етишувимиз ҳеч гап эмас эмиш.

Яна бир гап: бугунги айрим суверен давлат раҳбарлари ўзига, худо кўрсатмасин, собиқ СССРнинг барбод бўлишида иштирок этган, деган айб қўйилишининг олдини олишга уринади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги айрим раҳбарлар интеграция ёки турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги янги ташаббусларни дам-бадам кўтариб турмаса, хумори босилмайди.

Шуниси ғалатики, айрим раҳбарлар ўз номидан, айтайлик, ўз республикаси номидан эмас, албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришга ҳаракат қилади. Гўёки, уларга барчанинг номидан гапириш ҳуқуқи берилгандек.

Бироқ бу халқлардан ҳар бирининг муайян тафаккур тарзи, руҳияти, кайфияти қандайлиги, бу муаммоларга муносабати, улар ўз келажагини қандай тасаввур этаётгани хусусида ўйлаб кўриш уларнинг етти ухлаб ҳам тушига кирмайди.

САВОЛ: Сизнинг фикрингизча, бундай ташаббусларни қандай изоҳлаш мумкин?

ЖАВОБ: Бундай «ўта фаоллик»ни, ўзбекча қилиб айтганда, ҳовлиқмаликни фақат шундай изоҳласа бўлади:

Биринчидан, барчанинг назарида бўлиш, ўзини нафақат ўз ҳалқининг, балки қачонлардир СССР таркибида бўлган бошқа республика ва халқларнинг ҳам манфаатлари учун куюнадиган киши сифатида кўрсатиш, кўз-кўз қилиш истаги.

Иккинчидан, менимча, бу энг муҳими ҳам — ўз фуқаролари ва жамоатчиликнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл тополмаслик, истасангиз, буткул ночорлик белгисидир.

Аслида бу ерда баҳснинг ўзига ўрин йўқ: интеграция керак, мен ҳатто интеграциянинг ўзигина эмас, умумий мақсадларга эришиш, барча халқларнинг фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларни бирлаштириш учун шарт-шароит яратадиган кооперация керак, деб айтган бўлардим.

Бироқ интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Яъни менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф кўрганидагина амалий натижа бериши мумкин.

Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас. Энг муҳими шундаки, бундай интеграция эркимизни, мафкурасидан, дунёнинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, биз муносабат ўрнатган шериклар билан алоқаларимизни чеклаб қўймаслиги керак.

Бундан ташқари, интеграциянинг янги модели, бугунги кунда турли минбарларда тез-тез такрорлаб турилганидай, қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш мақсадига хизмат қилмаслиги лозим.

САВОЛ: Сизнинг назарингизда интеграция жараёнларини шакллантиришга асос бўла оладиган принципиал ҳоллар нималардан иборат бўлиши мумкин?

ЖАВОБ: Биз давлатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация қуйидаги бешта шартга асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, интеграцияга ихтиёрий қўшилиш, бунда давлат мустақиллиги тўла сақланиб қолиши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар бир йўналишда ва бир-бирига монанд бўлиши лозим. Назаримизда, сиёсий ва иқтисодий янгиланишларнинг, қонунчилик ва ҳуқуқий асоснинг турли босқичида турган давлатларнинг интеграциялашуви мумкин эмас.

Учинчидан, ҳар бир давлат, энг аввало, ўз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва кооперация жараёнларини чуқурлаштиришдан барча аввало ўзаро, бир-биридан манфаатдор бўлиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча кўринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт. Қудратли Россия бошқаларни елкасига ўтказиб, бало-қазолардан бир амаллаб олиб ўтади, деган хомхаёлга учмаслик керак.

Тўртинчидан, интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, интеграция шунчаки интеграция учун эмас, энг аввало, биз номи ва фикри билан ҳар бир ҳатти-ҳаракатимизни ниқобламоқчи бўлаётган халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим.

Бешинчидан, интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар устидан қўриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий интеграция жараёнларидан олдин қўйиш ҳамда иқтисодий алоқаларнинг холисона амалга оширилишига зўғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди.

Интеграция деб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатадиган, зўравонлик усуллари билан мутлақо тўғри келмайди. Бунинг қандай оқибатга олиб келиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

МЕҲНАТ КОДЕКСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида Меҳнат Кодекси қабул қилинганидан ҳаммамизнинг хабаримиз бор. Унинг тўла матни газетамизда чоп этилган эди. Эндиликда мана шу қонуннинг мазмуни, мақсади, вазифаси ҳамда уни амалиётда қандай қўлланиши юзасидан қисм-қисмларга бўлиб фикрлашиб борамиз.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш бизнинг олий мақсадимиздир. Иқтисодиётда эса ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига утиш ҳам шу мақсадларимиздан биридир. Мана шундай оламшумул ишларни амалга оширишда халқнинг, ҳар бир фуқаронинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тайинлаш, уни ҳимоя қилиш, манфаатларини диққат марказида тутиш, ижтимоий жиҳатдан керакли кафолатларни бериш каби омиллар борким, буларнинг барчасини ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов илгари сурган 5 тамойилда яққол кўришимиз мумкин. Шулардан иккитасини, яъни Конституция ва қонунларнинг устиворлигини ҳамда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич утишни таъминлаш тамойилларини яна бир карра эслаб утишимиз жоиздир.

Бозор иқтисодиётига утишнинг муҳим шартларидан бири — бу собиқ тоталитар давлат тизимида мавжуд бўлган принцип, яъни барча мулк давлатники (мулк ҳаммамизники ва айни вақтида ҳеч кимники эмас) деган ақидадан воз кечиб, мулкни унга ҳақиқий эгалик қила оладиганлар қўлига етказишдир. Шу туфайли амалга оширилган қатор ишлар натижасида республикамизда мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топди ва ривожланмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат муносабатларига таъсирини кўрсатмай қолмаяпти.

Бугунги кунда амалда бўлган меҳнат ҳақидаги қонунлар Кодекси, унга бир қанча узгаришлар киритилган бўлишига қарамай, ҳозирда амалиётда юз бераётган меҳнат муносабатларини тўла тартибга солишга ожизлик қилиб қолди. Энди янги қонунга зарурият туғилди ва у ишлаб чиқилди, қабул қилинди. Бу қонуннинг вазифаси ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва ҳавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди. Меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

Аввалги Кодекслан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон республикасининг янги Меҳнат Кодекси мамлакатимизнинг бутун ҳудудида амал қилиб, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг шу жумладан, Узбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам меҳнатга оид муносабатларини тартибга солади.

Қонунчилигимизда илк бор меҳнатга оид муносабатларни қонунлар орқали ва шартномалар асосида тартибга солишнинг узаро боғлиқлиги кўрсатиб утилди. Бунга асосан аввалги қонунлардагига ухшаб ҳамма масалаларнинг барча даражалари (энг паст, энг юқори) қонун билан белгиланмасдан, балки уларнинг, яъни ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси белгилаб қўйилгандир. Қонунлардагига нисбатан қушимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, ички низомлар ва бошқалар) шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланиши мумкин. Мисол учун айтадиган бўлсак, меҳнат таътилларининг энг кам миқдори (15 кун) қонунда белгилаб берилган. Аммо унинг аниқ давомийлиги қанча (20 кунми?, 24 кунми? 30 кунми ва ҳакозо) бўлиши шу корхонанинг узида ҳал этилган бўлиши керак.

Шу уринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб утиш керакки, айрим иш берувчилар «Энди мен қандай хоҳласам шундай қилар эканман, мен кимга нимани қанча белгиласам шундай бўлар экан», деган хулосага келишлари керак эмас. Кодекснинг 5-моддасига мувофиқ меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас деб топилади.

(Давоми бор).

ДОРИЛОМОН КУНЛАР

Иқтидорли публицист Нарзулла Жўраевнинг «Юксалиш», «Уйғоқ нигоҳ» китобларини ўқиб

Миллий давлатимизнинг беш йиллиги жаҳон тарихи жабҳасида кичик бир лавҳа...

Очиғини айтганда, республикамизда мисли кўрилмаган тарихий узгаришлар содир бўлаяптики, буни бир лаҳзалик, деб бўлмайди. Энг аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш сессиясида Узбекистон Республикасини Мустақил деб эълон қилиши тарихда зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак!

Шу йиллар мобайнида жуда катта узгаришлар содир бўлди. Энг зарурий олий неъмат — Истиқлолга яраша воқеалар силсиласи, қуйидагича деб уйлайман:

— утмиш, маънавий-маданий меросимиз тикланди, тараққий қилмоқда;

— миллий узбек давлатига асос солинди, у жаҳон майдонига дадил чиқмоқда;

— ислоҳотлар орқали Узбекистон ўз демократик йўлини танлади, ўз хусусиятларига кўра ривожланмоқда;

— миллий хавфсизлик таъминланган, келажаги буюк давлатимиз янги аср остонасига шаҳдам қадамлар билан бораяпти.

Худди мана шу давлатимизнинг бош йўл-йўриқ тамойилларини таджирий ифодалаган истеъдодли публицист Нарзулла Жўраевнинг китоблари бугуннинг, маънавиятнинг талаби, озиқлантирувчи манбаи бўлиб қолди.

Муаллифнинг «Юксалиш» китоби сиёсий эссе бўлиб, шахс портретига чизгилардир. Бу эса дастлабки узгаришнинг асосийси — Узбекистон Мустақил давлат сифатида ўз йўлини топганлигидир.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш қатъий ва барқарорлик билан амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилида юртбошимиз, яна 3-4 йилда дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлади, ислоҳотлар халқ фаровонлигини таъмин қилади, дея ниҳоятда оқилона башорат қилган эдилар. Уша дориломон кунлар келаяпти. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичига кирдик.

Жамият аҳли учта нарса билан ўз истиқлоли, озодлиги ва эркинлигини мустаҳкамлайди: дастурхони тўкин-сочин, уст-боши бут ва яшаш тарзи барқарор бўлса, ундай жамият фақат олга дадил қадам отади. Худди шундай Узбекистон жамияти барпо бўляптики, бунга кўз тегмасин, муаллиф таъкидлаганидек, Марказий Осиё ва мустақил Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ўз модели билан равнақ топаверсин, дегинг келади.

Муаллиф «Уйғоқ нигоҳ»ни икки қисм — «Истиқлол уйлари» ва «Юзма-юз»га бўлиб ўз ақлий кузатув мушоҳадасида Ватан, Миллат, Миллий ғурур, Шахс ҳақида тиниқ ва бетакрор фикр юритади. Ҳар бир айтилган, битилган жумла Истиқлолнинг истиқболини тараннум этади. «Улуғларнинг ёди билан яшайман» мулоқот мақоласининг ўзи бир тарих. Она-Ватанга Шахснинг, узбекистонликларнинг саждагоҳдай нигоҳ билан қарашлари тасвирланади. Мулоқотчи, йирик академик олим Азизхон Қаюмов Ватан келажаги «ҳалол, пок, илмли, юксак маданиятли, миллатнинг рамзига айланадиган кадрлар»га боғлиқ эканлиги ва улар ўз маънавияти ҳамда эътиқодсадоқатлари билан миллий заминда мустаҳкам тура олишларига кафолат беради. Бундай ниҳоятда теран ҳаётий фикрлар журналист олимнинг салоҳияти ва юксак савиясидан келиб чиқади.

Ватан-она заминдаги Мустақиллик ва унинг жаҳоншумул моҳияти тўғрисида ёниб ёзади муаллиф. «Ватан — афсунгар наво», «Замин — саждагоҳим менинг», «Элим соғ, юртим обод бўлса бас», «Миллий давлатчилик, анъаналар ва тажрибалар», «Узбекистон — кенг имкониятлар мамлакати» ва «Узбекистон янги аср остонасида» каби фалсафий-психологик, маънавий-тарихий, оммавий халқчил мақолалар бир-бирини шундай тўлдиradiки, гўё Сизга муаллиф Ватан, Миллат, юрт-макон, остона, бешик ҳақида алла айтиб, Соҳибқирон Амир Темур давридаги жангу-жадаллар, Оқ ва Қизил империя сабоқлари ва ниҳоят келажаги буюк Узбекистон тўғрисида баралла қуйлаётгандай бўлади.

Уқувчи ёшларнинг, Халқ таълими Олий ва Урта махсус таълим вазирликлари томонидан уқувчилар ва талабаларга «Юксалиш»ни махсус ўрганишлари учун тавсия қилиниши, менимча ғоят мақбул иш бўлди.

Бироқ, китобнинг нусхаси 10 минг дона. Ва фақат узбек тилида. Демак, вазирликлар ва нашриётлар бу ҳақда уйлашлари-яна энг камида 30-35 минг нусхада ва рус, қозоқ, тожик, инглиз тилларида чоп қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаллиф ўз китобида энг муҳими ҳаёт ҳақиқатини бузмасдан, мамлакатимиз бошидан ўтган беш йиллик даврда юз берган тарихий-фалсафий ходисаларни холислик билан кўрсатадики, бунда назарий фикрлар билан публицистик социологик таҳлил, равон тил билан илмий ифода уйғунлашиб, Президент Ислом Каримовнинг йирик давлат ва сиёсий арбоб сифатидаги сиймоси кўз ўнгимизда яққол гавдаланади.

Дарвоқе, Президентнинг метиндек мустаҳкам шахси, ирода-си, Ватан равнақи учун қалб изтироблари, кечинмалари, зиддиятли муаммоларни ва дунёвий масалаларни ниҳоятда ҳушёрлик билан оқилона ва дадил ҳал этиш жараёнлари ишонарли, тарихий ҳаққоний ёритилади. Мустақиллик, Миллат иззати ва обруси, Ватан ва унинг равнақи учун жонимни тикканман, деган Президентнинг шиор чақириғи китобнинг бош йўналишидир.

Муаллиф қайд қилганидек, Президент Ислом Каримов миллий давлатимиз йўлбошчиси, буюк ислоҳчи, демократ халқпарвар, маънавият ҳомийси, жаҳон тан олган давлат арбоби, йирик сиёсатчи, ватанпарвар шахс сифатида майдонга келади.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом Каримов утиш даврининг мураккабликлари-ю барча зиддиятларини ниҳоятда жасурлик, беқиёс ирода ва тафаккур кучи билан енгиб, амалий фаолияти билан миллион-миллион кишилар қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Бу эса миллат ва мамлакат тарихи билан муштаракликнинг ёркин намойишидир.

Каримжон НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.



МЕХАНИЗАТОРЛАР СУЛОЛАСИ

Фарғона туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигида Козимжон Қорабоев номи изланувчан ва тажрибали механизатор сифатида тилга тушган. Козимжоннинг отаси Эгамберди ака ҳам узоқ йиллар хўжаликда механизаторлик қилган. Козимжон ҳам ота касби этагидан тутди. Шу касби боис эл-юрт ўртасида обру эътибор қозонди. Бугунги кунда унинг ўғли Дилшод ҳам механизаторлик қилмоқда.

Козимжон янгиликка ўч, ихтирочи механизаторлардан. Хусусан, у ихтиро этган культиватор бир йўла олти қатор ғўза орасига ишлов беради. Бунда албатта, ёқилғи, вақт тежалади, меҳнат унумдорлиги ўсиб, маҳсулот таннархи арзонлашади. Козимжон яратган культиватор вилоят пахтазорларида юқори унум билан ишлатиб келинмоқда.

Бу йилги экин-тикин мавсумида Козимжон ўғли Дилшод билан астойдил меҳнат қилишга бел боғлаган.

Суратда: изланувчан механизатор Козимжон Қорабоев ўғли Дилшод билан.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларга Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош нозири *Абдувоҳид АҲМЕДОВ* жавоб беради.

Менинг ёшим 56 да, умумий иш стажим 38 йилни ташкил этади, ўзим Хива ҳунар лицейида ўқитувчилик қиламан.
Имтиёзли пенсияга чиқишга ҳақлиманми?
Р. АБДУРАҲМОНОВ,
Хоразм вилояти.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат пенсия таъминоти» тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасида ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм) умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканликлари кўрсатилган.

Агар Сизнинг иш стажингиз талабга мувофиқ бўлса, пенсия тайинлаш тўғрисида ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Менинг 2 яшарлик пайтимдан касалликка чалинганлигим натижасида битта кўзим кўрмайди.
Ногиронлик пенсиясига чиқишим мумкинми?
С. ОТАБОЕВ,
Андижон вилояти, Пахтаобод шаҳри.

Узбекистон Республикасининг пенсия қонунчилигига мувофиқ умумий касаллик туфайли меҳнатда майиблганлик ёки касб касаллигига учраганлиги натижасида меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган фуқароларга ногиронлик пенсиялари тайинланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳларини белгилаш туман (шаҳар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Сизга узингиз яшаб турган туман (шаҳар) ТМЭК ёки ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз тавсия қилинади.

Бизнинг мактабимизда мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги сабабли, қўшни Панжикент туманидан ўқитувчилар жалб қилинган. Уларга йўл ҳаражатлари учун қўшимча тўловлар бериш мумкинми?
С. АШУРОВ,
Ургут туман 49-мактабнинг касаба уюшмаси қўмита раиси.

Узбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги» қонунинг 31-моддасида, янги меҳнат Кодексининг 77—87-моддаларида меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг шартномавий (контракт) воситаларига катта ўрин берилган. Умуман олганда ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, улар учун қонунчиликда белгиланганидан кўра қулайроқ меҳнат шароитларини яратиш ва кўпроқ имтиёзларни жамоа шартномаларида ва якка тартибдаги меҳнат шартномаларида белгилаш ҳуқуқига иш берувчилар (корхона, ташкилот, муассасалар маъмурияти) ҳақлидир.

Сизлар таклиф этилган ўқитувчилар учун қай тартибда қўшимча имтиёзлар ва тўловлар тайинлаш хусусида туман касаба уюшма ташкилотлари ва маориф бошқаруви идораларига мурожаат қилишларингиз мумкин.

Мен 1995 йил май ойида Жамғарма банкидан 5 (беш) минг сўм фоизли ссуда (қарз) олган эдим. Ссудани тўлаш тартиби қандай?
Гулнора РАСУЛОВА,
Муборак тумани.

Узбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонунида белгиланишича, банклар билан мижозлар ўртасидаги муносабатлар шартномавий характерга эгадир. Шу боис Сиз жамғарма банкидан (ҳозирги пайтда у Халқ банки деб юритилмоқда) ссудани нима мақсадда, қанча муддатга, қандай шартлар асосида олганлиғингиз ва белгиланган фоиз миқдори, уни тўлаш тартиби ҳақида банк билан тузган шартномада узаро келишилган бўлишингиз керак.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, банк операциялари бўйича фоиз ставкалари банклар томонидан мустақил белгиланса да, аммо уларнинг энг юқори миқдори ҳар йили Узбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чегараланиб турилади. Ссудани тўлаш бўйича маълумот олишингиз учун узингиз яшаб турган тумандаги молия ёки банк муассасаларига мурожаат қилишингиз тўғрироқ бўлар эди.

ТАРИХ ҒИЛДИРАГИ ОРҚАГА ҚАЙТМАС

Қудратилла РАФИҚОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раисининг ўринбосари

Узбекистон мустақиллигининг бешинчи баҳорида ҳаммаёқда бошланган Навруз тараддуди халқимиз қалбига алоҳида қувонч, алоҳида жўшқинлик бахш этмоқда.

Ана шундай серфайз, сертантана, Наврузи олам шурри билан тўйинган завқли кунларда Москвадан тарқалган совуқ хабар аямаъжиздек қалбларни қақшатиб ўтди. Баҳор ҳавосидан тананг яйраб турганда устингдан муздек сув қуйиб юборилгандек бўлди. СССР қайтадан тузилармиш деган совуқ хабар эди бу.

Мустақиллигининг 5 йилини қаршилаётган, истиқлол нашъасидан қалби жўш урган инсоннинг бу хабардан қандай аҳволга тушишини тушуниш қийин эмас. Зеро СССР таркибида косаси оқармаган халқимиз бағрига энди шамол тегди. Эрк, озодлик шамоли эди бу. Тилимиз, динимиз ўзимизга қайтди. Қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Узбекистон дунё саҳнига чиқди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Шундай бир пайтда орқага қайтиш! — Ё алҳазар!

Россия Думаси собиқ тоталитар тузумни қўмсаётган айрим гуруҳларнинг тазйиқи билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг 1991 йил 8 декабрда Беловеж учрашуви қарорини бекор қилди. Бундай қалтис қадам Зюганов бошлиқ коммунистлар «ташаббуси» билан қўйилди. Зеро, «Қизил империя» даврини қўмсаётган бундай кимсалар Думада кўпчилик ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлган эдилар.

Дума қабул қилган қарорнинг моҳияти эса собиқ СССРни қайта тиклашга ўринишдан бошқа нарса эмас. Шу боисдан ҳам Россия Федерацияси Давлат Думасининг бемаъни қарори кўпчилик давлат ва сиёсат арбобларида ҳам, жаҳон жамоатчилигида ҳам кескин норозилик туғдирди. Хусусан, Россия Президенти Борис Ельцин ҳам мазкур қарор ҳеч қандай қонуний асосга эга эмаслигини таъкидлади. Чунки Беловежда ўтказилган учрашувга қадар собиқ СССР таркибидаги кўпгина республикалар мустақил давлат сифатида ажралиб чиққан эдилар. СССР парчалангани учун Президент Горбачев ҳам перезидентликни ўз зиммасидан соқит қилишга мажбур бўлган эди ўшанди.

Украина Президенти Леонид Кучма ҳам айнан шундай фикрни билдирди. Болтиқ бўйи мамлакатлари раҳбарлари СССР таркибидан чиқиб кеттанимиз учун Дума қарорининг бизга даҳли йўқ, деган мазмунда баёнот бердилар. Чет эл сиёсий доираларида ҳам мазкур қарор салбий баҳоланди.

Узбекистон жамоатчилигининг мазкур қарорга муносабати Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти халқ ноиблари сессиясида сўзлаган нутқида аниқ таърифлаб берилади. 1991 йилнинг ёзида Москвада тўнтариш қилинган пайтдаёқ Узбекистон ўз йўлини аниқ белгилаб олган ва бизнинг «ГКЧП тўнтариши» билан ҳеч қандай алоқамиз йўқ, деб кескин айтган эди у. Уша йили 31 август куни Узбекистон мустақил давлат деб эълон қилинди. Сўнг референдум ўтказилиб мустақил Узбекистон ўз йўлини танлаб олди. Бу мустақил, демократик ривожланиш йўлидир.

Беловеж қарори эса, бу воқеалардан кейин қабул қилинган эди. Шунинг учун Дума қарори асоссиз, сохта бир ҳужжатдир. Биз Президентимизнинг бу борада тутган йўлини маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Муҳтарам Ислом Каримов таъкидлаганидек, тарих ғилдирагини орқага қайтаришга уриниш бемаъниликдир.

Дунёнинг юзлаб мамлакатлари томонидан тан олинган, Миллатлар Ҳамжамияти пештоқида ойдўлдузли яшил-мовий-оқ байроғи хилпираб турган Узбекистонимиз ўз мустақиллиги йўлидан дадил олга бораяпти. Москва Думасидан таралган бўҳтонга, беҳуда чиранишга қарши биз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан жавоб берамиз. Эски даврларга қайтиш хом ҳаёл эканлигини таъкидлаган ҳолда Президентимизнинг мазкур қарор юзасидан билдирган фикрларига қўшилиб, унинг теварагида янада маҳкамроқ жипслашамиз. Республика касаба уюшмаларининг миллионлаб аъзолари номидан айтамизки, орқага қайтиш йўқ! Узбекистон қанчадан-қанча эркпарварлар қони эвазига, юртнинг асл фарзандлари берган қурбонлар эвазига мустақилликни қўлга киритди, истиқлолга эришди. У узининг буюк келажагини қурмоқда. Халқимиз, юртбошимиз бу йўлда собит қадамдир!

ВОҚЕЛИКДАН ЮЗ ЎГИРИБ

Бизнинг шарх

Мустақил ривожланиш йўли халқлар ва мамлакатлар танлаб олган энг адолатли ва тўғри йўлдир. Чунки худди шу йўлгина халқларни миллий ва иқтисодий тараққиётга элтади. Мамлакат элининг турмуш фаровонлигини таъминлайди. Бу йўлда қўйилган ҳар бир қадам қутлуқ ва муқаддасдир. Кимки ва қаерда шу йўлга қарши чиқадиган бўлса, бундай фаолият ҳеч қачон наф келтирмайди. Шу сабабли 15 март куни Россия парламенти қуйи палатаси — Давлат Думаси қабул қилган қарор жумладан, Узбекистон меҳнаткашларини таажжубга солди. Мустақиллик мевасидан баҳраманд бўлган халқимиз бу ҳужжатга узининг салбий муносабатини билдирмоқда, Республикамиз аҳли мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашни биринчи даражали вазифа деб билмоқда.

Аввало шуни айтиш лозимки, Россия давлат Думасининг мазкур қарори биринчи навбатда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда, илгари собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган Болтиқбўйи республикаларида ҳам салбий кутиб олинди. Кўпгина сиёсат, жамоат ва давлат арбоблари бу қарорни ўта масъулиятсиз ҳужжат, деб баҳоламоқдалар. Чунки собиқ СССРнинг вайроналари ўрнида пайдо бўлган мустақил, суверен давлатлар яшаб турибди. Уларнинг ўзаро икки ва кўп томонлама ҳамкорлиги ҳамдўстлик доирасида амалга ошмоқда. Улар жаҳон тан олган, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, бошқа қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган мустақил давлатлардир.

Гап шундаки, собиқ СССРни тарқатиб юбориш тўғрисидаги олдинги қарорни бекор қилиш ҳақидаги Давлат Думасининг қарори энди мустақил давлатлар сифатида яшаётган халқларнинг йўлига навбатдаги тусиқ қўйишдир. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бугун жаҳон тан олган реаллик, мустақил мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтирувчи омил ҳисобланади. Ана шу ҳамдўстлик доирасида унга аъзо бўлган мустақил давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли иқтисодий, савдосотиқ, маданий ва бошқа соҳалардаги икки ва кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш мумкин. Ҳамдўстликнинг ҳали имкониятлари, истиқболи мавжуд. Россия давлат Думасининг юқоридаги масъулиятсиз қарори Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги вазиятни ҳам мураккаблаштириши, унинг фаолиятига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Маълумки, давлат Думаси Россия парламентининг палаталаридан бири. Демак, унда қабул қилинган қарорлар Россияга тааллуқли, қандай ҳужжатлар қабул қилиниши ҳам парламентнинг ички иши. Лекин бир мамлакат парламенти ҳужжатлари бошқа мамлакатлар сиёсий-ижтимоий ва социал-иқтисодий ҳаётига, мустақил тараққиёт йўлига аралашишга сабабчи бўлмаслиги лозим ва шарт. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак Россия Давлат Думасининг қарори ўта масъулиятсизлик асосида юзага келган ҳужжатдир. Ана шу боисдан эндиликда ҳақли равишда мустақиллик йўлини танлаб олган собиқ СССР таркибидаги давлатлар ҳам, мустақил ҳаёт қуриш йўлини муқаддас билган бошқа мамлакатлар ҳам Россия Давлат Думасининг қарорига салбий муносабатда бўлмоқдалар, уни ўтишини қўмсаётганларнинг навбатдаги чиқиши, деб билмоқдалар. Ушбу қарор ортида яна бир мақсад — Россиялаги бўлажак президент сайловларида кўпроқ овоз олиш мақсади ҳам ётибди. Ушбу қарорнинг қабул қилинишида ташаббус кўрсатган Россия Коммунистик партиясининг парламентдаги фракцияси ҳам худди шу мақсадни кўзламоқда.

Узбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олганлиги, сўзсиз, халқимизнинг тарихий ва бебаҳо ютуғи, нодир мулки бўлиб қолди. Шуни айтиш лозимки, мустақиллик меваларидан баҳраманд бўлган халқларни энди ҳеч ким, ҳеч қаерда ва ҳеч қандай қарор билан мустақил ривожланиш йўлидан тойдира олмайди. Бу жиҳатдан олганда Россия Давлат Думасининг юқоридаги қарори мустақил давлатларга ҳеч қандай алоқаси, даҳли йўқ ва у Думанинг ички ишидир. Бунда собиқ СССРни қайсидир қуринишда қайта тиклашга уриниш, Ёвроосиё иттифоқини тузишга интилишлар бефойда, истиқболсиз ҳаракатлардир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Хоразм вилояти кенгашида сўзлаган нутқида қайд этиб ўтганидек, энди ҳеч ким тарих ғилдирагини орқага қайтара олмайди. Узбек халқи мустақилликни абадий танлаб олган. Жумладан, Узбекистон собиқ СССР емирилмаслан олдинроқ ўз мустақиллигини эълон қилган, мустақил давлат сифатида ўз президентини сайлаб олган эди.

Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йилнинг 31 августида «Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида қарор»ни, «Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Узбекистон Республикаси қонунини» қабул қилган эди. 1991 йилнинг 31 декабрида Узбекистонда ўтказилган умумхалқ референдумида эса овоз берганларнинг 98,2 фоизи мустақиллигимиз тўғрисидаги қарорни чин дилдан маъқуллаб чиқишган эди. Келажаги буюк давлатимиз аҳли мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун тер тўкиб меҳнат қилмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ўз мевасини бера бошлади. Узбекистоннинг ташқи дунё билан бўлган ва турли жабҳаларни қамраб олган ҳамкорлиги, алоқалари кучаймоқда, давлатимиз жаҳон сиёсати, халқаро муносабатлар, дунё ишларида фаол қатнашмоқда. Бугун мустақил Узбекистонни жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари тан олишган. Тошкентда чет эл давлатларининг элчихонлари ишлаб турибди. Қатор ташқи дунё давлатларида эса Узбекистон элчихоналари очилган. Узбекистон ташқи ва ички сиёсати, давлатимиз раҳбарининг фаолияти бутун дунё узра қизғин маъқулланмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг чет элларга расмий сафарлари, ажнабий давлатлар раҳбарларининг бизнинг юртимизга қилаётган расмий ташрифлари сиёсий ҳаётимиздаги катта воқеалар бўлмоқда. Икки томонлама ўзаро манфаатли асосида имзоланаётган ҳужжатлар ёш мустақил давлатимизнинг сиёсий обруйини ошириш билан бирга халқимизнинг моддий турмушининг юксалишига, Узбекистоннинг иқтисодий тараққиётининг ривожига холис хизмат қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Ана шу боисдан халқимиз ўтишни эслатувчи турли-туман иттифоқлар тузилишига, жумладан, Евроосиё иттифоқига, мустақил тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай чиқишларга, уринишларга салбий муносабатда бўлмоқда. Россия Давлат Думасининг юқоридаги қарори ҳам худди шундай уринишлардан бири деб, баҳоланмоқда.

Доно халқимиз ким табиб, бошидан ўтган табиб, дейди. Одатда мустамлакачилик тузумини бошидан ўтказган халқлар ҳаммадан кўп мустақилликнинг қадрига етадилар. Шу сабабдан мустақилликни муқаддас билган халқлар ва мамлакатлар эркин ва озод ривожланиш йўлини кўз қорачиғидай асрашга интиладилар.

Талъат СОЛИЕВ,
сиёсий шарҳловчи.

Муносабат

ИСТИҚЛОЛ ТУҒИ ҲИЛПИРАЙВЕРАДИ

Ватанимиз мустақиллиги қалбимизга ғурур ва фахр солади, Жаҳондаги 150 дан ортиқ давлат мустақиллигимизни тан олди. Узига хос йўлдан бораётган Узбекистонимизнинг ёркин келажаги бўй кўрсатаётган бугунги кунларда халқимиз ҳукуматимизнинг, юртбошимизнинг сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларини ҳамиша қўллайдилар.

Хоразм вилояти сессиясида И. А. Каримовнинг сўзлаган нутқида кўтарилган фикрлар бутун республикамизга тегишлидир. Керакли хулосаларни чиқариб олган ҳолда муаммоларни бартараф этиш, кейинчалик жузъий камчиликларни такрорламаслик учун доимо аниқ фикр ва ҳушёрлик билан ишни ташкил этмоғимиз даркор.

Истиқлол туғи янада баланд ҳилпираб, истиқлол нашидаси дилларга сурур солаётган кунлари Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиши ҳақидаги қарори сиёсий фаросатсизликдир. Қолаверса, бу қарор мустақил Узбекистонмизга даҳлсиздир. Зеро, қонуний давлатимиз узига тегишли қонунларни фақат ўзи чиқариш ҳуқуқига эга. Ишонамизки, истиқлол туғи диёримизда ҳамиша ҳилпирайверади.

Орзиқул ҲОЖИҚУЛОВ, нафақахўр.

МАНТИҚСИЗ ҒОЯ

Россия Давлат Думасининг СССРни қайта тиклаш ҳақидаги қарори на бир конституцион қонунга, на мантиққа тўғри келади. Буни мен, етмиш йил давомида миллионлаб халқларни кўзбўямачилик билан алдаб-авраб келган коммунистларнинг навбатдаги кирдикори деб тушундим, вассалом. Қолаверса, 1996 йил 16 июлда бўлиб ўтадиган президентлик сайловлари олдидан ўзини тергиб-ташвиқ қилмоқчи бўлган «эюганов»чилар бу қарорни эълон қилиб, ўз мавқеларини тушириб юбордилар, менимча. Чунки, аллақачон ўз истиқлолини қўлга киритган давлатлар эндиликда орқага қайтмайдилар, бундан уларга манфаат ҳам йўқ.

СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги ғоя Россиядаги маълум бир гуруҳ кишиларининг исталгидан бошқа нарса эмас. Республикаларнинг тайёр хом аше ва ишчи кучига яшаб келган коммунистлар ислоҳотларнинг қийинчилигидан фойдаланиб, ўтмишни такрорламоқчи бўлишаётир, холос. Ваҳоланки, ўз қадриятлари, миллий тили ва қолаверса, ўзлигини англаётган халқимиз ўз мақсадида собитқадам туради. Ўйлайманки, нафақат ўзбек халқи, балки бошқа миллат вакиллари ҳам ушбу мантиқсиз ғоядан қалблари жунбушга келиб, нафратлари кўзимоқда.

Баҳодир АЛИМОВ, талаба.

1996 ЙИЛ — АМИР ТЕМУР ЙИЛИ

ИФТИХОР

Соҳибқирон Амир Темур ёшлигидан она юртини мўғуллар зулмидан халос этиш учун курашди. У тарқоқ халқлар бошини қовуштириб, буюк Турон давлатини яратди. Унинг қудратини юксакликка кўтарди. Буни бутун жаҳон тан олди. Шу тариқа у дунёга буюк салтанат соҳиби сифатида танилди, туркий халқларнинг миллий ғурури ва қонуний ифтихорига айланди. Зеро, Соҳибқирон бобомиз қадимги Сирдарё ҳавзасида олий мақсадлар йўлида, халқларнинг асрий озодлик орзуларини рўёбга чиқариш йўлида тинмай курашди.

Амир Темур мўғул босқинчиларига қарши беш марта жангга кирди. Шулардан бири, яъни иккинчиси Сирдарё бўйидаги Чиноз олдида 1356 йилда бўлиб ўтди. Бу жанг тарихда «жанги лой» номи билан тилга олинади. Бу жангда Темур қумондонлик қилган ўнг қанот душман устидан ғалаба қозонади, бироқ иттифоқдош амир Хусайнга қарашли қўшиннинг қатъиятсизлиги оқибатида муваффақият қўлдан бой берилади...

Амир Темур қўшини Самарқандан чиқиб, Жиззах орқали Мирзачўлга етганда унинг кўз ўнгида даҳшатли манзара намоён бўлади: қаршисидаги қум уюмлари устида туяларнинг суяклари сочилиб ётарди. Ойлаб сувсиз яшовчан бу ҳайвон суякларини кўрган Амир Темур бу беҳосият чўлни кесиб ўтмасдан ўз қўшинини Ховос томонга буради. Сўнгра Боёвут-Ширин йўналишида ҳаракат қилиб, Сирдарё қирғоғига етиб боради. У ердан дарё ёқалаб Гулистон-Сайхунобод-Сирдарё-Чиноз йўналиши билан кузланган мухораба жойига етиб келади.

— Сўнгра, — деб ёзади мажор тарихчиси Герман Вамбери, — Темур ўз қароргоҳини Чиноз билан Тошкент ўртасига қурдирди. Амир Хусайн эса Сирдарё этагига — Утрор томондан келади ва Темур билан учрашиб, душманга қарши саф тортади...

Бу мухорабанинг «жанги лой» деб аталишига сабаб шуки, жанг пайтида қаттиқ ёмғир жала аралаш ҳолда ёғиб, жангари отлар лойда тойиб кета бошлайди.

1389 йил қиш фаслида, Амир Темур қўшини Тўхтамиш лашкарига қарши Сирдарё бўйида жангга киради ва уни енгади. Кейинги йил баҳорда у яна Сирдарё соҳилида Тўхтамиш билан тўқнашади ва уни маглубиятга учратади. Бироқ йиқилиб қурашга тўймаган Тўхтамишхон таскин топмади. Натижада Темур уни Русия ерларига қадар таъқиб этиб, Мавороуннаҳр сарҳадларидан ташқарига суриб ташлади.

Орадан икки йил ўтгач, олчоқ Тўхтамиш ўз ҳужумини яна такрорлади. Бироқ яна Сирдарё бўйида панд еб, Темурдан узр сўради. Исми-шарифи 17 шаҳарда зарб этилаётган тангаларга битилган бўлсада, Тўхтамиш ўзининг ёвуз жаҳонгирлик ниятидан воз кечмади. Сирдарё соҳилига 20 мингдик иккита туманни жунатади. Улар Сирдарё бўйидаги Сигноқни эгаллаб Қўқонни қамал қилдилар, Утрордаги бошқа бир туман эса Амир Темурнинг ўгли Мироншоҳ лашкарини тор-мор этиб, ичкарига силжиб кираётганди.

Темур нохушликни сезиб, тезда ёрдамга отланди. Унинг шахсий туғи ва катта байроғи кўрингач, мўғуллар орасида парокандалик бошланди ва Тўхтамиш келаётган томонга чекинишди. Соҳибқирон уларни таъқиб қилмасликни буюрди ва барча кучларни Тошкентга туплашни амри-фармон қилди. У қиш даврида Тўхтамишга қарши асосий зарба беришга тайёргарлик кўра бошлади.

1391 йил баҳорида Темурга қарашли 400 мингдик лашкари, 600 минг от ва озиқ-овқат ортилган юзлаб туялар Тошкентдан чиқиб, Орол томонга қараб йўл олди. 18 июнь куни Амир Темур янгича жанг усулини қўллаб, мўғулларнинг сафларини тўзитиб юборди.

1405 йили Тўхтамиш элчиси Қорахожи Сирдарё бўйидаги Утрор шаҳрига келиб Амир Темур билан учрашди, унга Тўхтамишнинг тавба-тазарруларини етказди. Бунга жавобан Соҳибқирон Хитой сафаридан қайтгач, Олтин Урдани Тўхтамишга олиб бераман, деб ваъда берди. Унинг бундай мурувватли сирлари ҳозиргача тарихда ҳам жумбоқ бўлиб қолаяпти.

Амир Темур Тошкентда ўтказган ўша қиш фаслида Сирдарёдаги қадимги кечувларни созлашни таъминлади. Ҳозирги Сайхунобод билан Оққўрғон туманларини боғлаб турган кўприк олдидаги қўҳна Банокент шаҳрини мўғуллар истилосидан кейин тиклаб, ўрнида қалъа қурдирди ва унга ўз ўғли Шоҳруҳнинг исмини бериб, уни «Шоҳрух қалъаси» деб атади. Мирзачўлдаги сардобалар янгиланди, ариқлар тозаланди, боғ-роғларга сув очилди...

Бироқ у Хитойга ҳарбий юришдан қайтмади. 1405 йил қишда изғирин совуққа қарамай, Сирдарёдан кечиб утаётганда қаттиқ шамоллаб оғир касалга чалинди ва шу йили 72 ёшида Сирдарё бўйидаги Утрор шаҳрида оламдан ўтди.

Буюк салтанат соҳиби Амир Темурнинг қадамлари теккан вилоятимиз халқи хотирасида абадий яшайди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, буюк Амир Темур сиймоси келажаги порлоқ Узбекистон давлатини барпо этишда йилларимизни нурафшон, йўлларимизни эса доим чароғон қилиб туради.

Ҳозир Сирдарё вилоятидаги Шароф Рашидов, Ховос, Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё тумани ва шаҳар меҳнаткашлари Соҳибқироннинг 660 йиллигига алоҳида иштиёқ билан ҳозирлик кўрмоқдалар. Айниқса, Сирдарё вилоят касаба уюшмалари, унинг тармоқлари Амир Темур йилини муносиб нишонлаш бўйича тадбирларни тузиб чиқдилар. Бу тадбирларни ҳар бир туман ва шаҳарда, корхона ва ташкилотда ўтказишга касабақўмлар бошқош бўлади. Масалан, биринчи чоракда халқ оғзаки ижоди ҳаваскорларининг кўрик-танлови ташкил қилинади. Ғолибларни қимматбаҳо совринлар кутмоқда.

Деҳқончилик саноати соҳаси касаба уюшма қўмиталари иштирокида ҳаваскор халқ ҳунармандларининг кўргазма кўриги, июнь-август ойларида спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Кутубхоналарда ва маърифатхоналарда Амир Темурга оид китоблар кўргазмаси ташкил этилади, маърузлар ўқилади. Болаларнинг ёзги таътил даврида ҳар бир оромгоҳда «Амир Темур куни» ўтказилади.

Фақат вилоят миқёсида ўтказиладиган миллий кураш турлари бўйича мусобақаларни ташкил этишга вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ўзи салкам 120 минг сўм маблағ ажратди. Туман ва шаҳарларда, корхона ва хўжаликларда ташкил этиладиган тадбирларни ўтказишга ажратилаётган маблағлар бу ҳисобга кирмайди. Хуллас, юртбошимизнинг «Маънавиятни тиклаш учун маблағни аяш ўз илдизига болта уришдир» деган маслаҳати амалда ўз ифодасини топяпти.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ
касаба уюшмалари Сирдарё вилояти Кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудири.

ОҚ ЙЎЛ!

Қутлуғ Навруз кунларида Асака автозаводи «Дамас» микроавтобусларини чиқара бошлади. Бу ерда МДҲ мамлакатлари бозорида ўхшаши йўқ бундай оилавий автомобилни тайёрлаш линияси ишга туширилмоқда. «Уз-ДЭУавто» Узбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг маҳсули бўлган ушбу 7 ўринли енгил машина жуда тежамли: 100 километр йўлга атиги 4,7 литр бензин сарфлайди, холос.

Мазкур машинанинг юк ташишга мўлжалланган тури 2 киши ва 0,5 тонна юкни кўтаради. Умуман, Асака автозаводида «Дамас», «Тико» ва «Никсия» русумидаги машиналар чиқарадиган учта линия ишга туширилади.

Заводнинг ишга туширилиши мазкур машиналар учун турли қисм, детал ва ускуналар ишлаб чиқарувчи бутун бир тармоқнинг ривожланишига имкон яратади. Жумладан, Қувасой шиша заводи автомобилсозлар буюртмасини бажаришга киришдилар. Андижонда лак буёқ ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши режалаштирилмоқда. Андижондаги ирригация машиналари заводида ҳам Асака автозаводи учун ускуналар тайёрланади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, автозаводда ишлашга 50 минг ишчи жалб қилинади. Бу эса иш билан бандлик муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

Оқ йўл, узбек автомобили!

Т. ШЕРОВ.

ЯКУН ЯСАЛДИ

Тошкентда «Ўзтадбиркорбанк» ҳиссадорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1995 молия йилининг якунлари кўриб чиқилди. Ҳозир ҳиссадорлар сони 16 минг кишига етди, мазкур тижорат банкининг низомий жамғармаси 184 миллион сўмни ташкил қилади.

«Ўзтадбиркорбанк» мижозларининг сони ҳам тобора ортиб бормоқда, ҳозир улар 52 мингдан ортиқдир. Шундан 4 минг нафари банк берган кредитлардан фойдаланмоқда.

Банк тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи Марказий Осиё жамғармаси ҳамда Осиё кредит компанияси билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу компания кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 мингдан тортиб 1 миллион АҚШ долларига қадар миқдорда кредит бера олади.

Ҳозирги пайтда «Ўзтадбиркорбанк» ажратган кредит ёрдамида халқ хўжалигининг қишлоқ хўжалик ва бошқа соҳаларидаги хусусий бизнесга тегишли 65 та объект қурилмоқда.

Л. ДОНИЕВ.

Наврўзни янги кун, Янги йил байрами, деҳқончилик ишлари бошланиши шарафига ўтказиладиган меҳнат байрами деймиз. Аждодларимиз қадимда асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Қадимда йилнома ва ойномалар кўпинча баҳор фаслидан — Ҳамал ойидан бошланади. Баҳорнинг илк ойи бўлмиш Ҳамал ҳозирги йилномада ҳам 21 мартдан 21 апрелгача давом этади. Биламизки, Ҳамал арабча сўз бўлиб, туркийда «Қўзи» маъносини англатади. Қадимги munажжимлар осмондаги ўн икки (12) юлдуз буржидан биринчисига кирувчи ёритқичлар тўпини Қўзига ўхшатишган. Шунга кўра, Наврўз 21 мартда Ҳамал ойининг биринчи куни байрам қилинади.

НАВРЎЗ АНЪАНАЛАРИ

Халқимиз орасида Наврўзни қачон нишонлашни аниқлаш билан алоқадор талайгина анъаналар мавжуд. Одатда бу айёмнинг бош даракчилари болалардир. Фольклоршунос О. Сафаровнинг ёзишича, шофирконлик болакайлар загизгон уясига тухум қўйганини кўришлари биланоқ Наврўздан дарак беришар экан. Тошкент, Жиззах, Сирдарё ҳудудларидаги қишлоқларда эса бойчечак чиқиши навруз келганлигидан нишона ҳисобланган.

Минг йиллар давомида Наврўзни нишонлаган боболаримиз янги кун ва йилбоши билан боғлиқ қизиқарли афсоналарни ҳам яратганлар. Жумладан, Ҳазратқул бахши Худойберди ўглининг ҳикоя қилишича, Қашқадарё воҳасида баҳор ташрифи лайлакларнинг учиб келишига қараб аниқланар экан. Бу ерларга лайлаклар одатда 10-15 март оралигида учиб келаркан. Шу боисдан ҳам шундан кейин ёққан қорни «лайлак қор» ҳам дейдилар.

Утмишда боболаримиз деҳқончилик ишларини юритиш, чорва молларини боқиш ва кўпайтириш билан боғлиқ бўлган кўп асрлик халқ тажрибаларига суянган ҳолда ўзига хос йилнома яратганлар. Навруз арафасида махсус идишларга етти хил донли экинлар уруғини экиб қўйишган. Уларнинг униб чиқишига қараб келаётган йилда олинадиган ҳосил чўғини чамалашган. Агар барча идишлардаги донлар бир текис униб чиқса, бу баракали хирмондан нишона бўлган.

Ўлкамизда Навруз тантаналари ҳамиша жуда мароқли ўтади. Илгарилари бу байрам муайян тартиб асосида ўтказилган. Эрталабдан дарвозлар ўйин бошлашган, сунгра қўчқор, ҳўроз, бедана, туя уриштиришга навбат берилган. Кейин полвонлар куч синашган, рақс тушилиб, қўшиқлар айтилган. Бир томонда аскиячи ва қизиқчиларнинг ичакузди ҳангомалари янграб турса, иккинчи томонда, қўғирчоқбоз ва масхарабозлар томоша кўрсатишган. Байрамга атаб кўкламнинг тансиқ таоми — сумалак пиширилган.

Навруз куни қишлоқ кексаларидан бири Бободеҳқон бўлиб далага омоч олиб чиққан. Янги йил баракали ва серҳосил бўлсин, деган мақсадда бўғирсоқ пиширилган, ёғ билан ҳўкизларнинг шохларини мойлаб, кейин, уларни қўшга қўшишган. Шу тариқа баҳорги дала ишлари бошланган.

Дала бошида уюштирилган маросимда ҳалим, қўча ош, угра ош, ғужа каби овқатларнинг биронтаси пиширилган. Ҳамма қозон бошида айланмаган: Ер тузилишини, сув ётишини яхши билган кекса деҳқонлар ёшларга маслаҳат беришиб, ерга кетмон уриб «иш бошлаб» берганлар... Йигитлар ариқлар қазишга тушиб кетишган... Аёллар ва болалар ялпиз, исмалоқ, момақаймоқ, қоқиут, туятўппон, йўнгичқа терганлар, улардан турфа таомлар тайёрлаганлар. Деҳқончиликнинг бошланишида Она-ернинг одамзотга илк совғаси рамзи сифатида бир-бирларига улашишган... Зеро, қадим айёмлардан ҳанузгача илк баҳорда ердан кўк гиёҳлар теришни аёллар ва болалар шуғулланганлар. Аслида сумалак таоми ҳам кўк териш туфайли кашф этилган.

«Қўшчи оши» халқ анъанаси илк баҳорда деҳқончилик ишлари экин-тикининг бошланиши билан боғлиқ, Навруз удумларидан биридир.

Навруз нафақат катталарнинг оммавий байрами, балки болаларимизнинг ҳам энг файзли сайлларидандир. Унда болаларга аталган анъаналар, расм-русумлар, ўйин-кулгиларга кенг ўрин берилган.

Жумладан, Навруз арафаси ва Навруз кунлари (бу кунлар бир жойда уч кун, бошқа жойда етти кун, яна бир жойда 20-21 кун, бошқасида қирқ кун, ҳатто 2-3 ой давом этган) ўйналадиган болалар ўйинлари бор.

Бу ўйинлар кўпроқ Навруз кунларида, яъни Ҳамал кириб, ер ҳовур чиқарган, ён-атрофлар кўкарган, қурт-қумурсқалар уйғонган, бойчечагу гулқаронлар уз хуснларини кўз-кўз эта бошлаган, ариқлар, жилғаларда сувлар шилдираб оқиб, қирғоқлари ялпиз, исмалоқ, жаг-жаг, райҳон ҳидларига тўлган, довдарахтларда қушлар чуғурлашиб, уз қушиқларини бошлаган пайтларда болалар томонидан қуй, матн, қўшиқ ижросида зўр шавқ-завқ билан ижро этилган. Тўғри, бу ва шунга ўхшаш болалар ўйинлари бошқа байрам-сайллар, жумладан, Навруз нинг иниси Меҳржонда ҳам бўлган. Аммо Навруз кўпроқ табиат қўйнида, янада қизиқарли, ўюшган ҳолда кўркамроқ ўйналган.

Айни шу баҳор, ғўзаллик, шодлик байрами бўлмиш Навруз да, катталарда бўлганидек, болаларнинг ўзлари ҳам қўйқўшиқлар тўқиб, халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб уларни мароқ, шавқ-завқ билан ижро этганлар, ўзаро мушоиралар, беллашувлар ташкил қилганлар. Дарҳақиқат, «Наврўзи олам келибди», «Бойчечагим бойланди», «Ёмғир ёғалоқ», «Лола, лола, лолажон», «Сумалакжон, сумалак», «Офтоб чиқди оламга» каби болалар фольклорининг ғўзал намуналари Навруз нинг кўркига кўрк, мазмунига мазмун, файзига файз қўшганлиги табиий.

Навруз билан боғлиқ туркий халқлар анъаналари, халқ оғзаки ижоди ниҳоятда жозибалидир. Шунингдек, мусиқада — бутун дунёга машҳур мақомда «Наврўзи ажам», «Наврўзи араб», «Наврўзи баёти», «Наврўзи сабо» каби шуъбалар пайдо бўлганлиги бежиз эмас.

Ғуломхон ҒОФУРОВ.
ТошДУ доценти.

АНЪАНАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

— Айланай Саломатхон, тўйларингизни зап яхшилаб ўтказиб олибсиз-да. Маҳалламиздаги кекса-ю ёш гапиряпти. Бундай режали, бекаму кўст тўйни қилса бўларкан-ку, дейишяпти.

— Ҳа, овсинжон, нимасини айтасиз. Ота-боболаримиздан ажойиб удумлар қолгани рост. Уларни унутмаслик ҳам қарз, ҳам фарз биз учун. Удумларга биноан камҳаржроқ қилиб, пишиқ-пухта режа билан тўй қилиш бугуннинг ҳам талаби, айланай...

Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек, маҳалладаги барча хайрли ишларимизга, тўйларимизга оқсоқолимиз Тўхтамурод ака, маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг раиси Раҳимахонлар ҳамиша бош-қош бўлишяпти.

Дилдан суҳбатлашаётган бу икки аёлнинг гапларига 165 - мактабга тўпланган «Чўқурсой», «Дўстлик», «Шифокор», «Темир йўлчи» Иброҳим ота маҳаллаларидан ташриф буюрган 100 дан ортиқ фаол хотин-қизлар маъқуллашарди.

«Чўқурсой» маҳалласида хотин-қизларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ночор оилаларни қўллаб-қувватлаш, балоғатга етмаган ёшлар ўртасида тарбияни кучайтириш борасида талайгина ишлар амалга оширилянти.

... Доиралар садоси остида баҳордек яшнаб кетган, миллий чойшаблар билан файзиёб бўлган мактаб залига ойдек тўлиб, ибо билан келинчак кириб келади. «Бизни қам тўйларга етказсин, деб сочқулар сочилди, атрофга дилларни титратувчи «Ёр-ёр» таралади.

Халқи бахтин ўйлаган
Бахтли толе яратган
Истиқлолга етказган
Юртбошимизга салом...

Эзгу истаклар келин-куёвнинг қариндош-уруғлари, дўсту-ёронлари, жон-қўшниларига бағишланади, бир этак ширин-ширин фарзандлар тиланди.

Пиру бадавлат кексалар дуоси олинади.

Кейинги саҳнадаги кўринишда меҳмон кутиш, узбекона лутф, манзираторлар кенг ўрин берилади. Меҳмонга ҳамиша бағрини кенг очувчи жумард халқимизнинг ноёб фазилатлари акс эттирилади. Ўйнинг фаришгасига айланган нозик-ниҳол келинчак назокат билан меҳмонларга пешвоз чиқади, обдасталарда сув тутади. Тўкин дастурхонга чорлайди.

Тўй ҳар бир инсоннинг орзусидир. Узбек топган-тутганини тўйга атайди. Бутун ҳашамлар-ю тадбирларида тўй шодиёналари акс этиб турган узбекнинг улуг бобокалони Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловлар ҳам кўпчиликка жуда манзур бўлди. Айниқса маҳаллалар аҳли миллий удумларни, инсоний қадриятларни тиклаш мақсадида урф-одатларимизни бугунги турмушимизга муносиб тарзда ўтказиш борасида астойдил ҳаракат қилаётганликларини кўрсатишди. Кўрик танловда қатнашиб ўз ижодларини, истеъдодларини намойиш қилишди.

Тадбирда С. Раҳимов тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Ғаниҳўжаева, маданият техникуми раҳбари А. Аҳмедов жюри раиси сифатида қатнашдилар.

Анъаналарни эъзозлагувчи оҳангларга ҳамоҳанг кеча жуда мароқли ўтди.

Замира ТЎЛАГАНОВА.

Божхона бекати

Буғдой жойида қолди

Тожикистон фуқароси Эҳсон Абдуллаев Жиззах вилоятини бир айланиб чиқишда харид қилган буғдойи ўн тоннадан ортиб кетди. Энди уни юртига қандай қилиб олиб кетади? Вилоятдаги 22-автокорхона ҳайдовчиси З. Тожиев пул деса ўзини томдан ташлайдиган хилидан экан. Дарров Эҳсоннинг қармоғига илинақолди. Ўша куниёқ у 10—14 ДВЛ давлат белгили КАМаз-5320 русумли машинасини буғдой ортишга тўғрилади.

Қоронғуда топишган «дўст»лар буғдойни ҳам қоронғуда машинага юклаб айланма йўллар билан Тожикистон Республикаси томон отландилар. Лекин улар узоқ юришмади. 1-»Ширин» божхона постига етганларида сафарлари қариди. Божхона хизмати ходимлари муҳим озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланган буғдойни ноқонуний йўллар билан республикамиздан олиб чиқиб кетишга бўлган уринишнинг олдини олдилар. Юк мусодара қилиниб, Э. Абдуллаев жаримага тортилди. Буғдойга сарфланган 120 минг сўм бу ҳисобга кирмайди.

Тўпланган материаллар Ховос шаҳри прокуратурасида чуқурроқ ўрганилмоқда.

Терининг ҳужжати қани?

Қозоғистон Республикаси томон ўтиб кетаётган 41—74 ТНН давлат белгили ГАЗ-53 русумли автомашина Тошкент вилояти божхона хизмати ходимлари томонидан текширилганда ичидан 900 дона қўй териси чиқди.

— Шунча терини қаердан олдингиз? — божхона хизмати ходимларининг терифуруш Ф. Баҳодировга берган бу саволи жавобсиз қолди.

Тери учун бирорта ҳам ҳужжат йўқ эди. Ноқонуний йўллар билан қимматбаҳо хом-ашёни ташиб кетишга бўлган уриниш бартараф этилди, тери мусодара қилинди. Текширув ишлари олиб борилмоқда.

Сирли дугоналар

68-сонли «Душанбе — Конибадом» поездининг 14-вагонида кетаётган икки йўловчи аёл божхона хизмати ходимларини кўрдилару саросимага тушиб қолдилар. Алматилик Татьяна Мельникнинг қора сумкасида 1 килограмм 50 грамм кўкнори ширасн ва наша бор эди. Унинг дугонаси Лолита Бедьцова ҳам сумкасига кўнгил хуши деб гиёҳванд моддалардан оз-оздан жойлаб олган эди.

Дугоналар божхона хизмати ходимларини чалғитишга уриниб кўришди. Барибир уддасидан чиқа олмадилар. Самарқанд шаҳар темир йўл шох бекати божхонаси ходимлари темир йўл ички ишлар бўлими ходимлари билан бундай айёрларнинг кўпини кўришган. Шу боисдан ҳам дугоналарнинг сири тезда очилақолди. Тўпланган ҳужжатлар, далилий ашёлар ва икки дугона чуқурроқ текшириш учун ички ишлар бўлимига топширилди.

Айланма йўлда

Термиз туманидаги айланма йўллар тўғри Тожикистонга олиб ўтади. Шу боисдан ҳаракатдаги ҳар бир машина божхона хизмати ходимлари эътибордан четда қолмайди.

Олисда О48—69ДВ давлат белгили КамАЗ-5320 русумли машина кўринди. Сурхондарё вилояти божхона хизмати ходимлари уни тўхтатиб кўрикдан ўтказишганида Тожикистон фуқароси М. Маҳкамов ноқонуний йўллар билан бир тонна бензин ва 190 литр мотор мойини олиб кетаётганлиги аниқланди.

М. Маҳкамовга нисбатан маъмурий иш очилди ва қонуний чора кўриш учун Термиз тумани судига юборилди.

Талаба изза бўлди

Самарқанд вилоятидаги 7-сонли «Юқори нуқта» божхона пости ходимлари давлат белгиси 83—74 ФЕН бўлган «Икарус-266» русумли автобусни тўхтатиб божхона кўригидан ўтказишганда йўловчи Зафар Темуровнинг қўлидаги сумкадан 400 грамм чамаси ўткир хидли наша чиқди.

Зафар одамлар олдида бошини кўтаролмай қоли. Бу гап у ўқиётган Тошкент аграр университети ипакчилик факультети талабалари қулоғина етиб борса нима деган одам бўлади? Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Тоғайбек қишлоғида унинг йўлига умид кўзи билан боқиб ўтирган ота-онаси эшитсачи?

Қинғир иш — келтирар ташвиш, деганлари шу бўлса керакда.

Энди охирги гапни Булунғур тумани ички ишлар бошқармасида айтишади.

Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати



ҒОЛИБ САНЪАТКОРЛАРГА СОВРИНЛАР

Серқуёш ўлкамизда Навруз айёми кезаётган шу кунларда халқ шодиёнаси, байрам тантаналари давом этмоқда. Халқ сайиллари майдонлардан боғларга, томошагоҳларга кўчмоқда. Маданият уйлари ва санъат саройларида халқ қўшиқлари, навруз лапарлари янграмоқда. Санъатсеварлар олқишига сазовор бўлган ижодкорлар, хонанда ва раққосалар совринлар билан тақдирланмоқдалар.

Наврўзи оламга бағишланган ана шундай шодиёналардан бири Тошкентдаги Алишер Навоий номли Санъат саройида нишонланди. Бу ерда Узбекистон касаба уюшмалари мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ.Жамолов топширди. Сўнгра совриндор санъаткорлар иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди.

Суратда: Байрам концертидан лавҳалар. **Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.**

Мулоҳаза

ЭҲ, ҚОРАБАЙИРЛАР, ҚОРАБАЙИРЛАР...

Узбек қорабайир отлари қадим-қадимдан машҳур. Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз, унинг лашкарлари ва сарбозлари шамолдай учқур қорабайирлар орқали шон-шуҳрат топганлар. Кейин ўтган шоҳларга, уларнинг салтанатларига, ҳарбий юришларига ҳам шу отлар қўш қанот бўлишган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида узбек қорабайирлари янада донг таратди. Отлиқ аскарларимиз душманга қарши курашда алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатдилар. Уруш даврида Жиззах туманидаги йилқичилик хўжалиги фронтни қорабайир отлари билан мунтазам таъминлаб турди. Бақувват, чидамли, тоғу тошларда ҳам бир текис юра оладиган узбек қорабайирлари ана шундай шон-шавкатга, тарихга эга.

Йиллар ўтиши билан Жиззах музофотида отга эътибор сусайди. Йилқичилик фермалари қисқарди. Зотли отларни етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Шукурки, республикамиз мустақилликка эришгач, узбек отчилигининг шуҳратини тиклашга киришилди. «Равот» хўжалиги қорабайир отлар етиштиришга ихтисослаштирилди, бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилди. Ҳозир 100 та қорабайир от боқилмоқда. 2-3 йил ичида улар сони 500 бошга етказилади.

Шунингдек, хўжалик жамоаси Узбекистон от спорти марказига ҳам хизмат кўрсатмоқда. Марказ буюртмаси асосида 30-50 бош чопқир отлар парвариш этилмоқда. Уларни Мамат Сойибназаров ва тренер Иброҳим Усмоновлар спорт мусобақаларига тайёрлашаянти.

Бундан ташқари хўжаликда наслли йилқилар парвариши кенг йўлга қўйилган. Келажакда Тожикистон, Қозоғистон республикаларидаги отчилик хўжаликларига наслли отлар етказиб берила бошлайди. Айни пайтда Бутунбой Қаршибоев, Холжигит Абдуллаев, Мамат Сойибназаров каби равотлик йилқибоқарлар узларига биркитилган уюрларни меҳр билан парваришламоқдалар. Ҳар бир уюрда 60-120 бош от бор.

Яқин вақт ичида равотликлар йилқи ва қулунлар сонини 1300 бошга етказишмоқчи. Элимизнинг шуҳратидир Қорабайир отимиз, деганларидек узбек тулпорлари қўшиқлардагина эмас, амалда ҳам донг таратадиган кунлар яна келади, деган умидамиз.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК! ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК! ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1996 йил 1 мартдан депозит (жамғарма) биринчи тур сертификатларини муомалага чиқарди:

Сертификатлар — 250 сўм, 500 сўм ва 1000 сўм қийматида бўлиб, сақлаш муддатига қараб 125 фоизгача даромад тўланади.

Сертификатлар — Халқ банкининг барча бўлимлари томонидан чекланмаган миқдорда эркин сотилади ва сотиб олинади.

Халқ банки сертификатлар билан амалга оширилган муомалаларни сир сақлашга кафолат беради.

Халқ банки сертификатлари — оддий, қулай ва фойдалидир!

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИ КУТАДИ!

Ҳамкасбимиз хотираси

АНВАР ЭШОНОВ

Машҳум улим орамиздан ажойиб инсон, меҳрибон устоз, ғамхўр дўст, хассос қаламкаш Анвар Эшоновни юлиб олиб кетди. Тўсатдан юз берган бу машъум ҳодиса ҳаммамизнинг қалбларимизни ларзага солди. Улим-ҳақ, ҳаммамиз унинг олдида бош эгишга мажбурмиз. Бироқ биз учун азиз ва ардоқли сиймо тимсолида бу айрилиқ, жудолик алами истисносиз ҳар биримизда чуқур қайғу, изтироб алангасини ўт олдирди.

Кечагина қувноқ ҳазил-мутойиба, ўзига хос илиқлик билан кириб келиб, таҳририятимизга нур-файз бағишлаган олижаноб инсоннинг бугун орамизда йўқлигига, мангуликка йўл олганига ишонгинг келмайди. Ҳамма учун қадрдон, ҳаммага бирдек азиз бўлган Анвар аканинг ҳамиша файз-нур таратиб юрганини, меҳр улашганлигини энди ёркин ҳис этмоқдамиз, вақтлар ўтиши билан бу туйғуларимиз янада чуқурроқ илдиз отишига имон келтирмоқдамиз.

Анвар Эшонов ғоят нозик табиат эгаси, зийрак, ниҳоятда сезгир қалб соҳиби эди. Энг муҳими, унинг мусаффо қалби инсонга муҳаббат билан лиммо-лим эди. Одамлар дилини, ҳаёт ташвиш-қувончларини чуқур тушунар ва ҳамиша ҳамдард бўлишга интиларди. Буларнинг ҳаммаси унинг ижодига ҳам нафис жўшқинлик, ҳам ғоят ёқимли, ҳузурбахш лирик жозиба бахш этардики, ундан тўлқинланмаган ўқувчини топиб бўлмас.

Анвар ака эркин қуш, лочин, бургут эди. У кенгликни, мусаффоликни, тафаккур теранлигини севарди. Табиийки, собиқ шўро тузуми уни ўз қолипига сола олмади, сиғдиролмади. Бинобарин у бирон бир совет нашрларида кўп ишлай олмади. Шунинг учун ҳам Анвар ака истиқлолни, жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигини беиҳтиёр ҳурсандлик билан кутиб олди, уни тараннум этди. Журналистлар, қалам аҳли орасида бўлар экан, саодатли кунлар бошлангани, яқин йиллар ичида халқимиз тараққиётининг юксак чўққиларини забт этишини фахр билан гапирарди.

Яқиндагина таҳририятимизда бўлган серқирра талант соҳиби «кўпроқ ёзсангизчи - ахир Сизнинг ажойиб шеърларингиз, ширин ҳикояларингизга ташнамиз!» деган таклифимизга у «кўп гаплар айтилган - уруш ҳақида ҳам, истиқлол ҳақида ҳам- бирор янгилик айтмасанг ижоддан не фойда!» деб жавоб берди. Ҳа, Анвар ака ўзига, ижодига ғоят талабчан эди. Шунинг учун ҳам унинг адабий мероси жуда катта эмасди. Аммо унинг ижодининг ҳар бир намунаси чуқур ўрганишга арзирли эканига шубҳа йўқ.

Шоир ва ҳикоянавис, журналист Анвар Эшонов исёнкор ижодкор эди. У лоқайдлик, сансалорлик, танбаллик, порахўрлик, нопоклик каби иллатларга бефарқ қаролмасди, уларга қарши курашиб келганди. Тўғри сўз ва одиллик, одамларни қилмишларига қараб қадрлаши, бетга чопарлиги халқига бўлган муҳаббатидан, ҳамдардлик ҳиссининг кучлилигидан эди. Ва унинг умр бўйи мансаб пиллапояларидан узоқроқда, оддий ва камтар ижодкор бўлиб қолишига шу сабаб эди.

Анвар ака «Ишонч»да жуда кўп ишламади, аммо ўз таъбири билан айтганда энг узоқ туриб қолган жойи шу таҳририят бўлганди. У газетанинг муваффақиятларидан чин дилдан қувонарди. Шунинг учун ҳам устознинг сўнгги васиятларидан бири - «Ишонч»нинг яқин орада халқимизнинг энг севимли, энг оммавий нашри бўлиб қолиши учун курашишга даъват бўлди.

Азиз устозимиз, меҳрибон дўстимиз Анвар ака Эшоновнинг ана шу сўнгги тилакларини рўёбга чиқариш учун бутун ижодий имкониятларимиз, зеҳн ва иқтидоримизни сарфлаш биз учун у киши хотирасига қўйилган энг яхши ёдгорлик бўлади ва ҳамкасбимиз билан видолашар эканмиз фақат шугина бизга таскин беради.

«Ишонч» газетаси жамоаси.

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ: САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ!

(26 март-2 апрель ҳафтаси учун)

26 мартдан 19 апрелгача бўлган даврда Қуёш «Қўй» буржидан ўтади. Шунинг учун бу вақтда бош (бош мия, юз, жағлар, мия қопқоғи, кўз) хасталикларга бир мунча сезгир бўлади. 26-30 март кунлари эса, бош ва орқа мия жароҳатланиши, ўткир мия хасталиклари, нафас олиш йўлларининг ўткир касалликлари тана ҳароратининг кўтарилиши билан бирга кечиши эҳтимоли бир мунча юқори бўлиши кутилади.

Умуман, бу ҳафта ҳар қандай турдаги ижодий ишлар учун ғоят қулай фурсат ҳисобланади. Агар ўз ижодий режаларингиз хусусида жиддий ўйлаб, иш мундарижасини аниқ тузиб чиқсангиз, шу фурсатдан ғоят самарали фойдаланиш мумкин. Шоирлар, рассомлар, мусиқачилар ва санъат, адабиёт ёки шеърият жабҳаларида турлича қобилиятга эга бўлган одамлар учун мазкур кунлар ижодий руҳланиш, кашфиётлар, ҳамда таниш қоидалар, анъаналар, одатлар моҳиятини қайта ҳазм қилишга қулай вақт бўлади. Плутон, Уран, Сатурн сайёралари ўртасидаги мавжуд қулай жиҳатлар сизга ўз дунёқарашингизга мутлақо янги ғоялар киритиш, эски қарашлардан ҳеч иккиланмай воз кечишингизга ёрдам беради. Бироқ буларнинг ҳаммасига фақат ўз ҳаракатингиз, тиришқоқлигингиз билангина эришишингиз мумкин.

26 мартда кўпроқ нафас олиш аъзоларингиз ҳолатига эътибор беришингизни тавсия этамиз. Зўриқтирадиган нафас олиш машқларидан тийилиш, ўпка ҳамда қулда қилинадиган жарроҳлик муолажаларини кейинга суриб туриш мақбул. Сув муолажалари - ҳовузда, ҳаммомда чўмилиш, сувда-сузиш билан шуғулланиш фойдали. Атроф-муҳит ҳароратини кузатиб турган маъқул. Чунки умумий заифлик ёки ўзингизга бефарқ қарашингиз оқибатида узоқ муддатли шамоллаш хасталикларига дучор бўлишингиз мумкин.

27 мартда юрак ва ошқозон фаолиятини кузатинг - улар фаолияти бир мунча сусайиши мумкин. Бошқаларга нисбатан жаҳолатда бўлишингиз бунга кўпроқ сабаб бўлади. 27-28 мартда ошқозон, ўн икки бармоқли ичак нозиклашади. Танани заҳарлайдиган моддалар таъсирига берилувчанлик ортиши, сут безлари, олд кўкрак қафаси сусайиши мумкин. 28 мартда бу нарса яққол кўзга ташланади. Парҳез таом қилиш, сув муолажаларига берилиб кетмаслик, кучли биохимик дорилар истеъмолидан тийилиш, ошқозонда жарроҳлик муолажасини тўхтатиб туриш тавсия этилади.

29-31 март кунлари юрак ва юрак-қон томир тизими нозиклашади. Шу кунлари уларни ортиқча толиқтирмаслик керак. Юрак, умуртқада жарроҳлик муолажасини ўтказиш ярамайди, орқангизга кўтариб оғир юк ташиманг, бош мияни зўриқтиришдан тийилинг. Жисмоний куч-қувватингизни асраб, ўзингизни аяб иш қилинг. Акс ҳолда радикулитга дучор бўлишингиз мумкин. Айнан шу кунлари қон-томир хасталиклари ҳамда асаб тизимини даволаш яхши самара беради. 29 мартда асаблар зўриқиши ёки бахтсиз тасодифлар туфайли кутилмаган хасталикларга учраш эҳтимоли бор.

1-2 апрель кунлари ичаклар нозиклашади қатъий пархезга ўтиш, яхшиси, бир хил турдаги таомларни тановвул қилиш керак. Ичакларда жарроҳлик муолажаларини ўтказмаган маъқул. Ҳазми оғир таомлардан тийилинг- у қанд касаллиги ёки ошқозон ости бези хасталигини келтириб чиқариши мумкин. Қон ва жигарни тозаловчи муолажаларни бажариш, шунингдек тери хасталикларини даволашга киришиш яхши натижа беради. Шу кунлари яна косметик муолажалар ҳамда пластик жарроҳлик ишлари учун ҳам қулай ҳисобланади. 1 апрелда ҳалокатли ҳодисалар туфайли қаттиқ асабий-руҳий ҳис-ҳаяжонларга берилиш эҳтимоли бор. Ҳафтанинг охирида буйраклар ишига эътибор қилинг - улар фаолиятида муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Ҳозир Уран Қовға буржидан ўтиб бормоқда. Шунинг учун сира кутилмаган ҳодисалар юз бериши мумкин. Бундай кутилмаган «совға»лардан ҳоли бўлиш учун Уран сайёрасининг ҳукмида бўлган бегаразлик, дўстлик, бирлик, ўртоқлик, тенглик ва тараққиёт тушунчалари устида чуқурроқ мулоҳаза юритишга интилинг. Уларнинг маъносини сиз қандай тушунасиз?!

ДАЛВ (20.01-18.02) ойида туғилганлар ҳафта мобайнида ўзларини доимий ишларини давом эттираверганлари дуруст. Аммо янги бирон иш бошлашдан наф чиқмаслиги мумкин. Иш юзасидан сафарга бориш ёки дам олиш, овга чиқишлар кўп манфаатли бўлур. Ҳафтада соғлиқни яхшилаш ишлари билан шуғулланиш ҳам фойдалидир. Молиявий соҳада деярли ўзгариш бўлмас, мабодо бўлиб қолса натижали бўлур.

ХУТ (21.02-21.03) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг аввалги кунлари омадли бўлиб, қолганлари нахс аралаш келиши кутилур. Аввалги кунлар барча ишлар билан шуғулланиш мумкин. Иш жойида кутилмаган хурсандчилик руй беради. Муҳаббат борасида ҳам яхши натижага эришилур. Сафарга чиқиш, янги иш бошлаш, маросимлар ўтказиш, савдо учун сармоя қўйиш билан бемалол шуғулланиш мумкин. Қолган сўнгги кунлари эса оила билан дам олган маъқул.

ХАМАЛ (21.03-21.04) ойида туғилганлар учун бу ҳафта нахс келиши кутилур. Шунинг учун барча фаолиятни тўхтатиб, оилада бўлиш, ўтган ишларни ҳисоб-китоби билан шуғулланиш маъқулдир. Акс ҳолда ҳафтанинг нахслиги икки баробар ортиб кетади. Бу кунлари яхшилар суҳбатида бўлиш, ота-онани зиёрат қилиш нахсликни кесур.

САВР (22.04-20.05) ойида туғилганлар учун бу ҳафта жуда мароқли ва сермазмун ўтиши кутилур. Бутун ҳафта давомида қўзлаган натижаларга эришилади. Раҳбарлар қабулига кириш ҳам яхши натижа беради. Ҳафта ичи эски қадрдонлар билан учрашув, оилада қувончли воқеалар руй бериши кутилур. Мазкур ойда туғилганлар узларини рисоладагидек тутишлари лозим.

ЖАВЗО (21.05-21.06) ойида туғилганлар учун бу ҳафта нахс аралаш келиши кутилади. Иложи борича савдо-сотиқ билан шуғулланиш, шартномалар тузиш, сафарга чиқишлар, янги жойда иш бошлаш, бирон кишига мурожаат қилишларни тўхтатиб турмоқ мақсадга мувофиқдир. Ҳафта давомида баъзи нохушликлар содир бўлиши мумкин. Жумладан, иш жойида тушунмовчилик туфайли раҳбар билан муносабатни кескинлашуви мумкин. Лекин меҳнатдан қочмаслик керак.

САРАТОН (22.06-22.07) ойида туғилганлар бу ҳафтани хурсандчилик билан ўтказишлари кутилур. Оилавий ҳаётда қувончли воқеалар содир бўлур. Шу билан бирга ишхонада ҳам кўпроқ орзу қилинган ишлар юз бериши мумкин. Қўлларига катта миқдорда маблағ тушиши кутилажак. Шубҳали туюлган ишлари узил-кесил яхши ҳал бўлишига умид бор. Бу хурсандчиликларнинг барчаси мазкур ой фарзандларига маънавий пок ва ҳалолликларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

АСАД (23.07-23.08) ойида туғилганларни аввалги ҳафта юғур-юғурлар кўпайгани сабабли чарчоқни ёзиш кунлари кутади. Лекин ҳаракатда бўлмоқ кўп яхши натижаларни насиб қилур. Ҳафтанинг аксарият кунлари хотиржамлик ва осойишталик билан ўтади. Иқтисодий жиҳатдан катта даромад орттириш билан оилавий ҳаётда қувончли воқеаларга йўл очилади. Ҳафтанинг сўнгги кунлари сафарга чиқиш, масъулларга иш юзасидан мурожаат қилиш мумкин.

СУНБУЛА (23.08-22.09) ойида туғилганлар учун бу ҳафта омадли келади. Савдо-сотиқдан катта даромад, илмий ишларда муваффақиятларга эришиш, юқори мансабга кўтарилиш имкони туғилиши кутилур.

МЕЗОН (23.09-22.10) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг дастлабки куни нахс, қолган кунлари омадли бўлиши кутилур. Шунинг учун ҳафта бошида ҳар қандай фаолиятни тўхтатиб туриш маъқулдир. Бу кунлари болалар тарбияси ва рўзғор ишлари билан машғул бўлиш маъқулдир. Кейинги кунлари эса меҳнат фаолиятини давом эттираверилса, кутилмаган учрашувлар, яқинларининг сафаридан қайтиши, қариндошларнинг юмушлари енгил кўчиши мумкин. Ҳафта давомида хайри-эҳсон қилиб туриш яхши натижалар беради.

АҚРАБ (23.10-21.11) ойида туғилганлар учун бу ҳафта омад келтириши кутилади. Шунинг учун режадаги ишларга астойдил киришавериш мумкин. Жумладан, савдо-сотиқ билан шуғулланиш, шартномалар тузиш, хизмат сафарига чиқиш, масъул кишиларга мурожаат қилиш билан яхши натижаларга эришилади.

ҚАВС (22.11-21.12) ойида туғилганлар учун бу ҳафта таҳликали ва нотинч ўтиши кутилур. Хусусан, оилада фарзандларга алоҳида ғамхўрлик лозим, акс ҳолда нотинчлик руй бериши мумкин. Молия билан боғлиқ мураккабликлар, нохушликлар юз бериши мумкин. Буларнинг олдини олиш учун аввало атрофдагилар билан хушмуомала бўлиб, ҳеч кимсани ноҳақ хафа қилмасликка уриниш ҳамда ўзни пок сақламоқ лозим. Молиявий тангликни бартараф қилмоқ учун эса елгондан сақланиш, омонатга ҳиёнат қилмаслик, хайри-эҳсон бериб туриш талаб қилинур. Бу ҳафта ичи кўпроқ оила билан вақт ўтказиб, сафарга чиқишдан тўхталиб турмоқ маъқул.

ЖАДДИ (22.12-19.01) ойида туғилганлар учун бу ҳафта осойишта ўтади. Ортиқча ташвишлар, ортиқча хурсандчиликка сабаб бўладиган воқеалар юз бермайди. Яхши, солиҳ кишиларни зиёрат қилиш, уларнинг суҳбатида бўлиш, ота-онани ҳурматини қозониш кўп фойдалидир. Ушбу кунлари ичкиликбозлик ва бузуқчиликка берилмаслик қатъий зарур. Аксинча осойишта ўтаётган ҳафтанинг тўс-тўполонга айланиб кетиши эҳтимоли бор. Валлоҳу аълам.

Ҳилол

ОНАМ УМРИНИ БЕР...

Худойим, сендан бахт сўраганим йўқ,
На давлат, тожу-тахт сўраганим йўқ.
Розиман жафога, ҳатто ўлгани —
Фақат онам умрин берсанг бўлгани.

Ёмон ният деманг, тиловат қилдим,
Барчамиз дунёда омонат билдим.
На шодлик сўрадим ўйнаб кулгани —
Фақат онам умрин берсанг бўлгани.

Калима қайтардим, қўрқитманг мени,
Ниятим айтардим, чўчитманг мени.
Юлдузман самода мангу сўнгани —
Фақат онам умрин берсанг бўлгани.

Тонглар ҳавас қилган наҳор сўрайман,
Боғлар ҳавас қилган баҳор сўрайман,
Юзларга кирсалар, роҳат билгани —
Фақат онам умрин берсанг бўлгани.

Баҳодир ШАРОПОВ.

ХАТЛАР ҲАЁТ ОЙНАСИ

Ҳунарлининг қўли гул

ШАРҚОНА МЕРОС

Республика ҳунармандларининг кўрик-танловининг вилоят босқичида 13 та туман ва шаҳар халқ ҳунармандлари иштирок этишди. Ушбу кўрик-танловда бўлган киши шарқона меросимизнинг умри боқийлигидан фахрланади, халқимизнинг бой меросини асраб-авайлаб авлодма-авлод етказиб келаётганлар санъатига таҳсинлар айтади.

Гиламдузлик, зардузлик, пичоқчилик, сандиқчилик ва шу каби кўплаб ҳунар соҳиблари ўзларининг маҳоратларини намоён этдилар. Кўрик-танлов қайъати томонидан Сирдарё шаҳридаги «Ганжина» зардузлик фабрикаси ҳунармандлари фахрий биринчиликка лозим кўрилди. Мирзаобод туманидаги Москва ширкатлар уюшмасида яшовчи Бахринисо Турабекова тўқиган зилбароқ, шолча, бўғча каби уй жиҳозлари, Шароф Рашидов туманидаги Пахтаобод пахта тозалаш заводининг ишчиси Асқар Кабиров тайёрлаган сандиқ жавонларга иккинчи ўрин берилди. Шунингдек, ховослик, гулистонлик, меҳнатободлик ҳунармандларнинг ишлари ҳам яхши баҳоланди.

Халқ ҳунармандчилигининг усталарига вилоят маданият бошқармасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди. Улар республика кўрик-танловида қатнашишади.

Вилоятдаги тадбиркор аёллар томонидан ўтказилаётган мана шундай кўрик-танловлар, ўзаро беллашувлар барчага манзур бўлаётир.

Н. ҚОСИМОВА

«ОҚИЛА ҚИЗ»

Куни кеча Давлатобод туманида «Ёшлар иттифоқи» қўмитасининг ўқувчи ва талаба қизлар ўртасида «Энг оқила қиз» кўрик танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда Наманган тўқимачилик техникуми ва 5-ҳунар техника билим юртининг зукко қизлари беллашдилар. Унда қизларнинг саломлашиш одоби, пазандалик маҳоратлари, миллий баркамолликлари, ҳозирги замон муаммолари ва эркин мавзу бўйича ўзларнинг бор билим ва истеъдодларини намойиш этдилар. Ҳар бир чиқишда қизлар ўзларининг чаққонликлари, маънавият ва маданият борасидаги тушунчаларини, дунёқарашларини анчайин чуқур эканлигини кўрсата билдилар. 5-ҳунар техника билим юрти ўқувчиси Хафиза Абдуллаева беллашувда энг юқори балл йиғиб, ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни шу билим юрти ўқувчиси М. Аҳророва эгаллади.

Ғолиблар «Ёшлар иттифоқи» ва билим юрти томонидан муносиб совға билан тақдирландилар. Биз Хафизанинг вилоят беллашувида ҳам ғолиб бўлишига ишониб, омад тилаб қоламиз.

ЖАМОЛИДДИН ЎРИНОВ,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Энди бизга навбат...

Н. Муҳаммаджонов сурат-лавҳаси.

Газетхон танқид қилади

Тилга эътибор — тарихга эътибор

Замонанинг шарофати билан ўзлигимизни англаб, улуғларимизнинг қадрига етиб, руҳларини шод қилаяпмиз. Бу яхши албатта. Чунки, ўтмишдан сабоқ олган ҳолда жамиятнинг маънавий пойдеворини янада мустаҳкамлашга эътибор бермоқдамиз.

Лекин бир нарсага бепарволик билан аҳамият бермаяпмиз. Бу ҳам бўлса тарихий шахсларнинг исми-шарифини тўғри талаффуз этмасликдир. Бунинг оқибатида бобокалонларимизнинг табаррук номлари бутунлай ўзгарган ҳолда аталмоқда.

Жумладан, соҳибқирон — буюк бахт юлдузининг эгаси Амир Темур исми-шарифлари турлича талаффуз қилинмоқда. Масалан, «Амур Темур», «Амр Темур», «Амур темир», «Амр Темир» кабилардир. Бундай нотўғри талаффузларни метро бекатларида, «ойнаи жаҳон» кўрсатувлари, радиоэшиттиришларида ҳам тинглашингиз мумкин. Бу албатта кишининг ғашига тегиб, улуғ бобокалонимизнинг шаҳсига нисбатан лоқайдлик сабабли қилинган ҳурматсизликдир.

Бундай кўнгилсиз ҳолатга тушмаслик учун Амир Темур ва бошқа тарихий шахсларнинг номларини тилга олганда масъулиятни теран ҳис этишимиз даркор.

Чунки, бу тарихимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Ўзингизни билинг!

СЕВИШНИ УДДАЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

Қуйида жаҳон мумтоз адиб, олимлар ҳикматли ибораларини келтирамиз. Ўзингизга ёққанини танланг:

1. Муҳаббатда муҳими - кутилмаганда пайдо бўлиб, вақтида ғойиб бўлишдир.

(ака-ука Драйзерлар)

2. «Раҳм-шафқат юзасидан (ҳатто ўзингизга раҳм қилиб ҳам) никоҳ қуриш мумкин эмас».

(Ҳампира Кэрри)

3. «Севги-санъат эмас, илм ва техникадир».

(Жуль Твен)

4. «Тенги йўқ аёллар (эркаклар) бор ва улар жуда кўпчиликни ташкил этади».

(А.С.Дюма)

5. Муҳаббат - бош вақтни энг ёркин қилиб ўтказиш воситасидир».

(И.Драга, сексоп.фанлари доктори)

6. «Севги - қаттиқ жисмга ҳис-туйғу бағишлаш ва юмшоқ туйғулар физикасидир».

(Жонсмит Сухамельский)

7. «Турмуш қурсанг бўладиган одам билан эмас, турмуш қурмасанг бўлмайдиган киши билан никоҳдан ўт».

Жавобларни газетамизнинг келгуси сешанба сонида ўқийсиз.

«Фарзандингиз қобилиятлими? синов-сўровлари натижалари:

10 дан 13 очкогача тўплаган бўлсангиз - фарзандингиз муайян қобилиятга эга деб билаверинг. 14 ва ундан ортиқ очко тўпласангиз - унинг иқтидори диққатга моликдир. Бинобарин, уни ривожлантириш учун фарзандингизнинг ўқишини қандай ташкил этишни ўйланг.

Аксадо

ҲАР КИМНИКИ ЎЗИГА

Газетангизнинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқиб борамиз. Ундаги турли мавзудаги мақолалар кишини ўзига тортади. Яқинда газетанинг 20 сонидаги Гулчеҳра Жамилованинг «Қишлоқларимиз замонга муносибми?» мақоласини ўқиб қўлимизга қалам олдик. Тўғри, барча қишлоқлар ҳам замонга жавоб бера олади, дея олмаймиз, аммо замонавий қишлоқлар ҳам бор. Биз қишлоқда яшаймиз. Қишлоқдагиларнинг устидан кулиб, шароитларининг йўқлигини юзига солиб, одамларини маданиятсиз, деб камситишига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб ҳисоблаймиз. Гоҳо қишлоқда қандай қилиб яшайсизлар, дейишади. Ҳеч қанақа шароит бўлмаса ҳам бизга қишлоғимиз маъқул. Қишлоқдагилар ҳам шаҳарликларга ўхшаб шароит яратилган жойларни, клубга бориб кино томоша қилишни, маданий ҳордиқ чиқаришни машҳур кишилар билан суҳбатлашишни, меҳмон кутишни, меҳмонга боришни, чиройли кийиниб, машинада юришни, сайру-саёҳат қилишни ёқтирадилар. Қишлоқнинг ҳам ўз шароити бор: ўз шукуҳи, ўз ороми бор. Бизнингча ҳар кимники ўзига.

Малоҳат ЭРҒАШЕВА,
Жамила ХУРРАМОВА,
мактаб ўқувчилари.

Кадриятларимиз

ҲАЁТБАХШ АЛЛА!

Шундай бир қушиқ борки, агар у куйланса гўё бутун олам ҳам унинг сеҳри оғушида қолади. Бу қушиқнинг сўзи юракдаги меҳрдан яралади, оҳанглари эса нажотбахшдир. Шу қадар сирли, шу қадар даъваткор, шу қадар қудратли бу қушиқ. У — она алласидир! Она алла айтаркан, юрагининг энг тубидаги орзу-армонларини, севинчу умидларини шу аллага қўшиб айтади. Алла аёлнинг тилига кўчади, унинг меҳр- муҳаббати ила қоришиб, жонбахш эҳтиросига айланади. Сўнг оҳанглар туғенида қанотланиб, мурғак ғудакнинг томирларига қуйилаверади...

Ривоятларга кўра, қадимда бир золим подшо эл устига юриш қилиб, шаҳару қишлоқлар кулини кўкка совурибди. Жангни тўғатиб қайтишаётганда саркардалардан бири ҳаробалар орасида тирик қолган бир ғудакни топиб, подшога келтирибди. «Фарзандим йўқ эди, буни ўзимга меросхўр қилиб оламан» дея севинибди подшо. Лекин ғудак чириллаб йиғлар, не-не жангларда ғолиб бўлган лашкарбошилар ҳам уни овутолмабдилар. Шу атрофда етган чалажон бир аёл бола йиғисидан ҳушига келибди. Чақалоқни унинг қўлига тутибдилар. Аёл ғудакка меҳр билан термилиб, алла айтибди. Ғудак шу заҳотиёқ тинчланиб, уйқуга кетибди. «Бу қўшиғингда не сир бор?» дея ҳайратланиб сўрабди подшо. «Бу қушиқ эмас, бу-алла. Уни фақат оналаргина қуйлай олади» дебди аёл. Шунда подшо аёл ва ғудакка эҳтиром кўрсатиб, ўз юртига олиб кетибди. Сўнг ўшал юртда ҳам алла айттувчилар кўпайибди, золим подшо инсофга келиб, эл осойишта яшай бошлабди.

Алланинг яратилиш тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Айтишларича, алла сўзи аллоҳ номи билан боғлиқ эмиш. Қадимда аёллар ўз фарзандларининг келажаги яхши бўлишини истаб,«Боламга ўзинг имон бергил, Аллоҳ», «Боламга ўзинг инсоф бергил, Аллоҳ!» дея яратгандан нажот сўраганлар. Бора-бора ушбу мунажот «алла» сўзига айланган экан...

Аллада ҳаётбахшлик бор, умид ва ишонч бор. Унда оҳанрабо сеҳр бор. Аллалар нечоғли турли-туман бўлмасин, уларнинг мазмуни ягона — болага ёруғ келажак тиламоқдир. Оналар қалби ўхшаш бўлгани каби аллалар замиридаги мазмун ҳам шу қадар ўхшаш. Агар дунё болаларини бир жойга йиғсак, улар биттагина онанинг алласини тинглаб ором оладилар. Алла онанинг болага, боланинг онага муҳаббати тимсолидир.

Ёшлари тўқсондан ҳам ошган табаррук онахон — Ҳозия аяни биламан. Келинчаклар янги туғилган чақалоқларини дастлаб шу аянинг қўлига тутқазадилар. Ая ғудакни олиб узоқ дуо қилади, сўнг ёш онага қараб: «бунга алла айтинг, болам. Алла эшитиб ўсган бола диёнатли бўлади» дей уқтирадилар. Шунда келинчаклар «Бизга аллаларингиздан ўргатинг, аяжон» дейишади. «Йўқ, болаларим, — дейди ая. — Мен айтган аллалар жуда-жуда ғамли эди. Сизлар бугунги куннинг аллаларидан айтинглар. Яйраб-яйраб айтинглар...» Шундай дейдию, аянинг ўзлари қаёлга чўмади. Кўз ўнгидан ўтмиш хотиралари бирма-бир ўтаверади.

Қишлоқнинг катта эшонига отаси томонидан назр қилинганида Ҳозия эндигина ун уч ёшга кирганди. Эсида, у токсўрида қўғирчоқ уйнаб ўтирганида,кимлардир келиб ураб-чирмаб олиб кетишган. Қиз бегона ҳовлида йиғлаб-сиқтаб ҳар куни отасини кутар, «мени келиб олиб кетадилар» деб ишонарди. Шу куйи бир йил вақт ўтиб, Ҳозия она бўлган. Шундан сўнггина у тақдирига тан бериб, қуниккан. Ҳозия боласининг бешигини, қучиб, мунгли аллалар айтарди, айтгани сайин овози титраб, кўзларига ёш қалқиб келаверарди. Мана, ўша алла:

— Кўзларимдан оққан сувга ҳайрон бўлма, аллаё,
Катта бўлгил, онанг каби хазон бўлма, аллаё...

Замонлар ўтгани сайин алланинг сўзи ҳам, оҳанги ҳам ўзгариб боравергани. Аёл аллани замонага мослаб айтган. У алла айтаркан, эртаги кундан мўъжизалар кутгани, эртанги кунга ишонган. Аёлнинг овози тўрт девордан ташқарига чиқмаган даврларда айтилган аллалар жуда дардли ва шикаста бўлган. Бу аллаларга эрк ва умид сўзлари қўшиб айтилган.

Очлик замонларидаги аллаларда юпатувчи оҳанг кучлироқ бўлган. Бу аллалар аёлнинг мислсиз сабру тоқати, қаноати ва дадиллигини ифодалаган. Қаранг:

— Бу кунлар ўтар-кетар, жоним болам аллаё,
Яхши кунлар ҳам етар, жоним болам аллаё.
Ҳумлар тўла дон бўлар, ўхла болам аллаё,
Сават тўла нон бўлар, ўхла болам, аллаё...

Халқимиз бошидан оғир кунлар ўтди. Бу қўҳна замин не-не қонли жангларга гувоҳ. Тарих учун киприк қоққудек муддат бўлган не-не даврлар аёлни гоҳо жабру-ситам қурбонига ҳам айлантирди. У замонлар истибдоди аёл дилини пора этсада, унинг ишончу-умидини сўндиролмади. Аёл оғир синовлардан ўтиб, яхши кунларга етди. Унинг аллалари ҳамиша фарзандига паноҳ бўлди, ибрат бўлди. Бу аллаларни эшитган ғудаклар мард ва жасур, бардошли ва ўктам бўлиб воғга етдилар.

Уруш йиллари воқеалари ҳалиҳануз хотиралардан учмайди. Бу йилларда аёл матонати яна бир синовдан ўтди. Унинг аллалари гаҳ-лабага ишонч, эртанги кунга умид бўлиб жаранглади:

— Жангга кетган отаси, омон қайтсин аллаё,
Уруш деган офатни ерлар ютсин аллаё.
Кейин йўлар қурармиз, ухла болам, аллаё
Катта тўйлар қилармиз, ухла болам, аллаё...

Ғудакка алла айтиш бизга момомерос фазилатдир. Бугунги кунларимизда она алласи қайта кашф этилиб,-уйларга, қўнгилларга қайтаётир. Бешик ёнида ўтириб алла айтаётган келинчак ҳар вақтдагидан кўра ғўзалроқ, маъсума ва иффатлироқ кўринади, кўзларга. Балки у момомерос қадим анъаналарни давом эттиришни учун ҳам шундайдир. Чунки бу анъаналар ҳамиша боқий ва ғўзаллигича яшайверади...

Бундан минг йиллар илгари яшаб ўтган машҳур табиб, табобат илмининг ҳоқони Абу Али ибн Сино ҳам ғудакнинг бенуқсон камолга етишида алланинг аҳамияти беқиёс эканин таъкидлаганлар. Унинг бир асарида шундай сўзлар бор: «Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ лозим. Бири болани аста-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалардир».

Аёл учун она бўлмоқдан улуғроқ бахт йўқ. Аёл учун бешикнинг ёнидан ҳам қўра муқаддасроқ тахт йўқ. Бахти бекам аёл бугуннинг аллаларини айтаверади. Бугунги аллалар келажаги порлоқ юртнинг мадҳияси бўлиб қайта-қайта янграйверади. Аллалардаги сеҳр тилга кириб, бола қўнглига инсофу-диёнатнинг, меҳру-садоқатнинг таржимаси бўлиб сингийверади, ғудакда юртга муҳаббат туйғусини уйғотади, уни жасурликка даъват этади. Истиқлол тонготарлари ранг-баранг аллаларга тўлиқдир. Бу аллалар юрт узра парвоз қилиб учаркан, у тинч ва осойишта ҳаётимизнинг шўҳчан қушиғи бўлиб янграйди:

— Урмонларда донг қотиб,
Айиқчалар ухлайди,
Тошчаларга бош қўйиб
Кийикчалар ухлайди.
Сен ҳам энди ухлайқол, кўзингни юм, аллаё
Пешонаси ярқироғу, бағри бутуни алла...

«Пешонаси ярқираган, бағри бутун» болалар эртамизнинг эгалари. Улар ҳадемай юртимизга қўрқ бериб, уни боғу-бўстонга айлантирадилар. Уларнинг қурашчанлиги, ақли ва камолоти барчани ҳайратда қолдиради. Бугунимизнинг аллалари эса фарзандларимизни шунга даъват этади. Зеро, аллалари омон бўлган юртнинг болалари ҳам омондир. Омон бўл, қайта-қайта куйланавер, ҳаётбахш Алла!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Спорт

ОЛИМПИАДА — МАҲОРАТ СИНОВИ

Дарвоқе ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган олимпиада энг йирик спорт анжуманларидан саналади. Йигит-қизлар туташ бешта халқ рамзи туширилган олимпиада байроғи остида ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этишга, мамлакатлари байроғини баланд кўтаришга астойдил интиладилар. Маълумки, бу йилги олимпиада мусобақалари АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилади. Йирик спорт анжуманини кўтаринки кайфиятда, байрамона ўтишига, бетакрор воқеаларга бой бўлишига умид боғланмоқда. Боиси, Атланта мусобақалари халқаро олимпиада ҳаракатининг 100 йиллиги нишонланадиган йилда ўтказилади.

Бу йилги олимпиадада юртимиз спортчилари илк марта мустақил терма жамоаси сифатида иштирок этишга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Куни кеча миллий олимпиада қўмитасида ўтказилган навбатдаги йиғилишда спортчиларимизнинг Атланта сафарига тайёргарлиги хусусида фикр юритилди. Мазкур қўмитанинг президенти С.Рўзиев спорт мутахассислари ва журналистларга юртимиз спортчиларининг олимпиадага тайёргарлиги ҳақида ахборот берди. Унинг таъкидлашича юртдошларимиз жами 14 марта олимпиада мусобақаларида иштирок этиб, 35 та совринли ўринни қўлга киритишган. Шундан 14 таси олтин медалдир.

Атланта олимпиадасига Ўзбекистондан 100 нафар спортчининг иштирок этиши мўлжалланмоқда. Олимпиадада эса ҳаммаси бўлиб 10 мингдан ортиқ спортчи маҳорат кўрсатади. Спортчилар маҳоратини ошириш, машқларини тобига етказиш билан бир қаторда ташкилий ва тадбирий ишлар борасида, ҳам саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Чунончи, олимпиадага боришни истаган киши махсус лотереялардан олиши ва омади келса, Атлантага йўлланмани қўлга киритиши мумкин бўлади. Қизиғи шундаки, қарийб 10 минг доллар қийматга эга бўлган бундай йўлланма эгаси олимпиада ўйинларида иштирок этиб, қайтишда ўзига хизмат қилган енгил машина билан қайтишига имкон берилади.

Ҳозирча бокс, гимнастика, дзюдо, оғир атлетика, сузиш каби